O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 2-mart, chorshanba ● № 9 (710) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

СОҒЛОМ ЭЛНИНГ ЭРТАСИ УЛУҒ



Дарҳақиқат, Ватанимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар фахрланишга арзигулик. Аммо соҳада ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам бор. Хўш, келгусида соҳада қандай янгилик ва ўзгаришлар кузатилади?

3-бет

ХАЛҚНИНГ ЯРАТУВЧИЛИК ДАҲОСИ



Шуни айтиш керакки, янги меъморий ансамбллар Тошкентнинг чирой очиши, гуллаб-яшнаши, пойтахтнинг меъморий жозибаси улуғворлик касб этиши учун мустаҳкам замин яратиб қолмай, мумтоз санъат намунаси сифатида ўзини намоён этмоқда, шаҳарсозлик тарихида нурли саҳифалар очмоқда.

6-бет

ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ НУФУЗИ



2010 йилги спорт мавсуми кураш оламида муҳим воқеаларга бой бўлди. Октябрь ойида Франциянинг Бордо шаҳрида ўтказилган ва дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан энг сара полвонлар қатнашган "Ўзбекистон Президенти Гран-приси" II халқаро турнири КХА томонидан 2010 йилнинг "Энг яхши турнири", деб топилди.

8-бет

Болалар спорти

КАМОЛОТНИНГ ОЛТИН ПОЙДЕВОРИ

...Болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг пойдеворига айланиши зарур.

Ислом КАРИМОВ

Истиқлол йилларида баркамол авлод тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий етуклигини таъминлашнинг, соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим омили бўлган болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, жорий йилнинг 25 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раислигида ўтган йиғилишда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, уларнинг аҳамияти, моҳияти ва амалий натижалари ҳақида атрофлича сўз юритилди. Хусусан, Президентимиз бу ҳақда гапирар экан, олдимизда турган қатор муҳим масалаларга эътибор қаратган ҳолда, «...болалар спортини ривожлантирмасдан туриб, ўзбек спортининг келажагини таъминлаш, халқаро майдонда унинг обрў-эътибор қозонишига эришиш мумкин эмас», деб таъкидладилар.

Дарҳақиқат, шундай. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «XXI асрда ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, интеллектуал бойликка эга бўлган авлод ва халқгина жаҳон миқёсидаги бугунги кескин мусобақада ғолиб бўла олади». Зеро, спорт, хусусан, болалар спорти ёш авлод камолоти, демакки, миллат ва халқ истиқболи учун олтин пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда, олимпиада ўйинларининг илк асосчиларидан бири Пьер де Кубертеннинг "Кумуш бурғулар ғалабани эълон қилганларида улар фақат ғолибни шоҳсупага чиқарибгина қолмай, спортни, ақл ва кучни, мардлик ва иродани, садоқат, жасорат ва шонни шарафлайдилар. Улар ўз қалбини спортга бағишлаган, ўз ишлари, ўз ибрати билан ҳаётий жасоратга ундайдиган инсонларни шарафлайдилар", деган сўзларини эслаганимизда, кўз ўнгимизда ўз ғурурини, ўз халқини, ўз Ватанини шарафлайдиган ботир ўғил-қизларимизнинг мардона чеҳралари намоён бўлади.

2 »

2 март – Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлган кун

Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида самарали ҳамкорлик

Жаҳонда шундай умумбашарий муаммолар борки, уларни фақат турли қитъада жойлашган ва турли сиёсий табиатга эга бўлган давлатлар ўртасидаги ўзаро узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш орқалигина ҳал этиш мумкин. Мазкур давлатларни бирлаштирадиган ташкилот эса айнан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳисобланади. Унинг халқаро муносабатлардаги аҳамияти беқиёс бўлганлиги боис, дунё миқёсидаги энг муҳим, глобал жараёнлар БМТ иштирокида кечади, мураккаб можаролар эса БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорига мувофиқ бартараф этилади. Ўзбекистон Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, "Бизнинг тасаввуримизда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир. БМТ — бу халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир".

5 »

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Журналистика соҳасида «ОЛТИН ҚАЛАМ» VI миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" VI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2010 йилнинг 31 мартидан 2011 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган, интернет нашрларида берилган материаллар 2011 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— фаол фуқаролик позицияси учун;

— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган энг яхши материал учун;

— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;

— энг яхши журналистик текширув учун;

— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

— энг яхши режиссёрлик иши учун;

— энг яхши матбуот хизмати;

— энг яхши фоторепортаж учун;

— энг яхши карикатура учун;

— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2011 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар
Телефонлар: (8-371) 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
www.Journalist.uz

КАМОЛОТНИНГ ОЛТИН ПОЙДЕВОРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Бинобарин, мамлакатимизда болалар спортининг ривожи халқаро мусобақалардаги ютуқларимизда кўринаётгани сир эмас. Биргина Республика Олимпия захиралари коллежи тарбияланувчилари кейинги беш йил ичида қўлга киритган ютуқлар бунинг ёрқин исботидир. 2006 йил Вьетнамнинг Ханой шаҳрида уюштирилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Зоҳид Султонов, енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида Москвада бўлиб ўтган турнирда Ирина Зудихина, дзюдо бўйича Жанубий Кореяда ташкил этилган қитъа чемпионатида Мария Шекерованинг олтин медаль совриндори бўлгани, 2007 йил Беларусда ўтказилган енгил атлетика бўйича Евроосиё биринчилигида Анастасия Свечникова, спорт гимнастикаси бўйича 2010 йил Москвада Жаҳон кубоги учун ўтказилган мусобақада Луиза Галиуллинанинг ғолиб чиққани барчамизни руҳлантиради.

Қишлоқлардаги спорт иншоотларида шуғулланаётган ёшлар эришаётган ютуқлар ҳам кам эмас. Масалан, Тахтакўпир туманида фойдаланишга топширилган спорт мажмуаси болаларнинг севимли масканига айланган. Мазкур иншоотни бунёд этиш учун Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 150 миллион сўм маблағ сарфлаган. Бундан ташқари, мажмуа 10 миллион сўмлик спорт жиҳозлари билан таъминланди. Айни пайтда бу ерда туман халқ таълими бўлимига қарашли БЎСМ фаолият кўрсатмоқда. Иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаган спорт мактаби ўз натижасини бера бошлади. Нукусда Турон яккакураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Саломат Имаматдинов кумуш медаль соҳиби бўлди. Индира Ўрозбоева эса Тошкентда енгил атлетика бўйича ташкил этилган мусобақада учинчи ўринни эгаллади.

Зарафшондаги 12 та умумтаълим мактаби, академик лицей ва коллежларнинг спорт мажмуалари ҳамда Навоий конметаллургия комбинатига қарашли "Қурувчи" спорт иншоати ҳам доимо ёшлар билан гавжум. Қувонарлиси, уларда фаолияти йўлга қўйилган спорт тўгараклари аъзоларининг сони 8 мингдан ошди. Мурунтовда, Хатирчи туманининг "Олчинобод" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яратилган спорт мажмуалари замонавий қиёфа касб этибгина қолмай, волейбол, баскетбол, футбол, стол тенниси, оғир ва енгил атлетика, кураш, шахмат-шашка, мини футболни ривожлантириш марказига айланган.



Кейинги пайтда "Бу кунларнинг қадрига етмоқ керак", деган дил сўзларини кўп эшитамиз. Бунинг сабаби бор, албатта. Узоққа бормайлик, бундан йигирма йил муқаддам ҳатто марказий шаҳарларда, нари борса, икки-учта спорт мажмуаси бўларди, холос. Уларда гоҳ мураббий етишмовчилиги, гоҳида инвентарлар танқислиги спортчиларни ташвишга солиб турганини яхши биламиз. Бир пайтлар қишлоқ болалари учун ҳақиқий футбол тўпини ушлаб кўришнинг ўзи орзу эди. Улар учун армонга айланиб улгурган орзу-умидлар истиқлол фарзандларига насиб этди. Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, халқаро стандартларга мос спорт мажмуаларига кўзингиз тушади, баҳри дилингиз яйрайди. Бу иншоотларда фарзандларимиз ўзлари истаган спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2003 – 2010 йилларда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан республикамизда 1199 та спорт объекти барпо этилди. 18,91 миллиард сўмлик спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланган мазкур иншоотларнинг мингга яқини қишлоқ жойларида қад ростлади. Айнан 2010 йилнинг ўзида эса фойдаланишга топширилган спорт иншоотларининг сони 95 тани (шундан 61 таси қишлоқ жойларида) ташкил этди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами ва салмоғидан далолатдир.

2003 йилда мавжуд секциялар ва клубларда болалар спортнинг 8 тури билан шуғулланган бўлса, бугун 23 тури билан шуғулланиш имконияти яратилди. Айниқса, машғулотларда қизларнинг қизиқиши ва фаол иштироки кузатилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда бадиий гимнастикани ривожлантириш дастури қабул қилингач, спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланадиган қизлар сони шу йилнинг ўзида 6-7 баробар, айрим вилоятларда 10-12 баробар ортди. Бундан ташқари, стол тенниси ва сузиш билан шуғулланаётган қизлар сони ҳам кўпаймоқда.

Ёш спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда эришаётган натижалари ҳам сезиларли даражада яхшиланиб бормоқда. 2008 йилда 487 нафар спортчи-ўқувчилар (136 нафари қизлар) 47 та медалга сазовор бўлган бўлса, 2009 йилда 595 нафар ўқувчи (шундан 218 нафари қизлар) қиркдан ортиқ мамлакатларда ўтказилган беллашувларда қатнашиб, 63 та олтин, 45 та кумуш ва 58 та бронза (жами 166 та) медални қўлга киритди. 2010 йилда ташкил этилган 39 та халқаро мусобақада 483 нафар ёшлар (шундан 163 нафари қизлар) иштирок этди. Уларнинг 311 нафари қишлоқларда истиқомат қиладиган ёшлардир. Иқтидорли спортчиларимиз юзга яқин медалларга сазовор бўлишгани уларнинг келажагига умид боғлайди.

Хоразм вилояти мисолида бу кўрсаткичлар янада қувонарлидир. Урганч олимпия захиралари коллежи дзюдочилари нафақат республика, балки халқаро мусобақаларда ҳам совринли ўринларни қўлга киритиб келишяпти. Коллеж ўқувчиларидан Шаҳзод Собиров, Диёрбек Ўрозбоев ва Гулноза Матниёзова яқинда Германиянинг Франкфурт шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган нуфузли Гран-при турнирида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Уларнинг учаласи ҳам шоҳсупага кўтарилди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожланатириш борасида яратилаётган шароитларнинг акс садосини чет эллик соҳа мутахассислари эътирофидан ҳам англаш мумкин. Пойтахтимизда футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати иштирокчиси, Индонезия ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Мундари Кариянинг қуйидаги фикрларига эътибор қаратайлик:

— Биз мазкур мусобақадаги илк учрашувни Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтказиб, йирик ҳисобда ютқаздик. Мезбонлар жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик бўйича ўз устунлигини намойиш қилди. Мутахассис сифатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларининг жисмоний кўрсаткичларига алоҳида эътибор бердим. Футболчилар жисмонан бақувват ва руҳан тетик. Бу мамлакатингизда ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш тўғри йўлга қўйилганидан далолат беради. Замонавий футболда спортчиларнинг жисмоний имкониятлари юқорилиги билан бирга, уларнинг иродаси, ватанпарварлиги, курашувчанлиги ва бир мақсад йўлида бирлашиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, ёш футболчиларимиз имкониятининг бу қадар эътироф этилиши шу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга берилган муносиб баҳодир.

Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги "2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори халқимиз томонидан қизғин кутиб олинди. Мамлакатимиз футболининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, футбол бўйича мактаб-интернатларда, болалар ва ўсмирлар мактабларида, профессионал клублар ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнининг юксак сифатини таъминлаш, футболчилар, тренерлар, ҳакамларнинг маҳорат ва малака даражасини ошириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатлами ўртасида футболни фаол тарғиб қилиш ҳамда оммалаштиришни кўзлаган ушбу қарор, албатта, болалар ва ўсмирлар ўртасида футболнинг тараққий этиши учун хизмат қилади.

Юртбошимиз, ҳукуматимизнинг болалар спортига бўлган юксак эътибори спортчиларимизни улкан зафарларга чоғлаши табиий. Эндигина спорт мактабига қадам қўяётган фарзандларимиз яқин келажакда бундан-да юқори натажаларни қўлга киритиши, Ўзбекистон байроғини янада баланд кўтариши аниқ.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Нукус шаҳрида ўсмирлар ўртасида белбоғли кураш бўйича Қорақалпоғистон биринчилиги мусобақаси ўтказилди. 200 нафардан зиёд ўғил-қизлар қатнашган беллашувда Нукус шаҳри ва Амударё тумани ёшлари ғолиб бўлди. Уларга жорий йилда Термиз шаҳрида ўтказиладиган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида қатнашиш учун йўлланмалар тантанали тарзда топширилди.

АНДИЖОН. Вилоят марказидаги "Инвесттекс" ўзбек-америка қўшма корхонасига Литвада ишлаб чиқарилган янги тикув дастгоҳлари ва конвейер линияси ўрнатилди. Бунинг ҳисобига корхонада ҳажми 3 миллиард 500 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди. Тайёр маҳсулотнинг ярми экспортга жўнатилади.

БУХОРО. Ғиждувонлик хусусий тадбиркор Исомиддин Абдуллаев аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида 2 дона "ISUZU" автобуси харид қилди ва туманнинг "Сармижон" қишлоғидан туман марказига қатновчи йўналиш очиб, бу ерлик аҳолига қулайлик яратди. Тадбиркор жорий йил охиригача яна бир дона шундай автобус харид қилиш ниятида.

НАВОИЙ. Қизилтепа туман машина-трактор парки қошида тузилган "Қизилтепа агросервис" масъулияти чекланган жамияти эскирган биноларни қайта таъмирлаб, техника воситаларига, жумладан қишлоқ хўжалиги машиналари ва енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи масканларга айлантиришдек улуғ ишга қўл уришди. Бу жойларга компьютерлашган таъмирлаш жиҳозлари ўрнатилгач, мижозларга хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланади.

НАМАНГАН. Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси йил сайин ўсиб боряпти. Биргина ўтган йили 119,5 миллион доллар қийматидаги маҳсулотлар хорижга сотилди. "РАУ-Томь" қўшма корхонаси ўтган йилда 323 минг жуфт резинадан тайёрланадиган оёқ кийимлари тайёрлаган бўлса, бу йил хомашёнинг шу ерда ишлаб чиқаришга киришилиши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига, айни пайтда унинг таннархи арзонлашувига эришиш кутиляпти.

СУРХОНДАРЁ. "Микрокредитбанк" ОАТБнинг Музработ филиали туман тадбиркорларига ишончли молиявий ҳамкор бўлмоқда. Банк микрокредити туфайли тадбиркор Мастона Бобоева бошчилигидаги "Бунёдкор-Акфа" кичик корхонасида турли бичимдаги эшик-деразалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, жорий йил охиригача 5 сотих майдонда иссиқхона ташкил этиш ҳамда 5 минг бош паррандага мўлжалланган комплекс қурилиши учун банк билан ҳамкорлик қилиш режалаштирилган.

ХОРАЗМ. Урганч тумани марказида қад ростлаган 11-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг уч қаватли муҳташам биноси шу маскан ҳуснига-ҳусн қўшди. Бу бинода иккита катта зал ва рақс саройи ўқувчиларнинг завқ-шавқ билан машғулот ўтказишларида қўл келяпти. Боғорги мавсумда бу ерда таҳсил олувчилар янги иш бошлаган маскан ҳудудига 100 туп мевали, шунча арча ва бошқа манзарали дарахт кўчатларини ўтқазишга ҳозирлик кўришмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ. Шаҳрисабздаги "Паҳлавон" соғломлаштириш ва ташхис марказида хориждан келтирилган "Миндрай-М-5" русумли замонавий ташхис аппарати ишга туширилди.

Ушбу рақамли аппарат "Ўзмедлизинг" компанияси ёрдамида 60 минг долларга лизинг асосида олинди. Янги аппарат ёрдамида қорин бўшлиғи, юрак қон айланиш тизими, қалқонсимон ва кўкрак бези касалликларига аниқ ташхис қўйилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Кеча Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш — устувор вазифа" мавзусида матбуот брифинги бўлиб ўтди.

Фуқаро мудофааси куни ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганининг 15 йиллигига бағишланган мазкур йиғилишда ўтган давр мобайнида вазирлик томонидан аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда ҳамда техноген вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар хусусида маълумотлар берилди.

Вақтида айтилган гап

ЗАМОНАВИЙ МЕЛИОРАЦИЯ — ЕРНИНГ ТАЛАБИ

«Минг афсуски, — деди Президентимиз Ислом Каримов шу йил 21 январь куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида, — биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда, иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада, аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур...»

Таъкидлаш керак, айни шу эҳтиёж ва заруриятдан келиб чиқиб, ҳукуматимиз мустақиллик йилларида тармоққа неча-неча миллиард сўм пул ажратиб, кенг кўламдаги мелиоратив ишларни амалга оширмоқда. Бугун деҳқончилик қилиб турилган жами ернинг 10 фоизи (жойларда 50 фоизгача) қамиш, ажирик, шура, ғумай, саломалейкум каби кўп йиллик бегона ўсимликлар билан қопланган. Бу тахминан 2 миллион гектар экин майдонининг 200 минг гектари ифлосланган ҳолатда, дегани. Уларда ҳосил ёки ҳосилдорлик ҳақида гапиришнинг ўзи бўлмайди. Мутахассислар эса деҳқонларга бу ўтлар билан ифлосланган ерларни отвалсиз (ағдармасиз) плуг билан ҳайдаб, барона билан тирнаб олишдан бошқа маслаҳат беролмаяпти. Натижада кўп йиллик бегона ўтлар «мундарижа»си кўпайса кўпаймоқдаки, камаймаяпти. Ҳолбуки, бегона ўт — пахтанинг ашаддий душмани, айниқса, қамиш ўсган пайкаллардан ҳосил олиш амримаҳол.

Юртбошимиз ерлар унумдорлигини ошириш йўналишидаги ишлар кўлами йил сайин кенгайиб бораётганига қарамай, суғориладиган майдонларнинг мавжуд мелиоратив ҳолати катта ташвиш уйғотаётганлигини ҳам куюнчаклик билан тилга олдилар. Жумладан, «Ҳозирги вақтда, — деб таъкидланди маърузада, — юртимизда жами суғориладиган ерларнинг қарийб 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир, 23 фоиздан ортиғи эса бонитети паст ерлар тоифасига киради.» Ана шу шўрланган ва бонитети паст ерларни «соғайтириш» учун жалб қилинаётган инвестицияларни мақсадли ишлатиш, замонавий технологиялар ва техникани жорий этиш (айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах, Фарғона ва қисман Сирдарё вилоятларида) бугунги кун талаби бўлиб турганини ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, соҳанинг оддий бир кекса мутахассиси сифатида айтишим мумкинки, мазкур йўналишда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги замонавий агротехнология амалиётига оид аниқ чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиши ва ижросини қатъий назоратга олиши керак бўлади, наздимда. Энг муҳими, коллектор ва дренажлар қурилган, зовурлар қазилган ҳудудларда уларни кўз қорачиғидек асрашни таъминлаш керак. Шунда ер ости сувлари кўтарилмайди, шўрланиш юз бермайди ва ҳатто қамишдек беор ўсимлик кўпаймайди.

Биласиз, пахтачиликни тракторларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эсимда, ўтган асрнинг 50-йилларида дастлаб ер ҳайдайдиган: кабинаси йўқ, ғилдираги шпорли (тишли, пихли) ХТЗ трактори пайдо бўлганди. Кейин «Нати» дегани чиқди. Сўнгра «ДТ-54», «ДТ-75», «Алтай» русумлари пайдо бўлди. Ана ўша тракторлар билан бугунги ер ҳайдовчи, чопиқ қилувчи тракторлар орасида ер билан осмонча фарқ бор. Бироқ, тармоқ ривожи шиддат билан кетаётган, замонавий техника ва технологиялар рақобати тобора кучайиб бораётган бир пайтда фойдаланиб келинаётган ҳозирги техника воситаларимизни талабга жавоб беради, деб айтолмаймиз. Бугунги деҳқон кам деганда Германиянинг «Клаас» компаниясида ишлаб чиқарилаётган тракторлар билан таъминланса, деган орзуларда юраман. Ана шу орзу ташвишини давлатимиз раҳбари маърузасида қайд этилган мана бу сатрларда кўргандек бўламан: «Чопиқ тракторларнинг 55 фоиздан ортиғи ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг 46 фоизи 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилаётгани, бошқача айтганда, улар белгиланган фойдаланиш муддатини аллақачон ўтаб бўлгани, қувватти, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича стандартларга жавоб бермайдиган эски техникалар экани ташвиш уйғотмасдан қолмайди».

Шу нуқтаи назардан, Вазирлар Маҳкамаси мажлисида манфаатдор вазирликлар ҳамда мутасадди ташкилотларга уч ой муддат ичида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш йўлида унинг таркибидаги барча тизимларни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва ер унумдорлигини оширишга доир махсус дастур тайёрлаш вазифаси топширилгани айни муддаодир. Хусусан, замонавий мелиорация техникасини ишлаб чиқариш ва таъмирлашни ташкил этиш — пахтачилигимиз ривожининг айни бугунги кун талаби.

Ғаффор КАРИМОВ,
Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Арабчўл маҳалласида истиқомат қилувчи кекса агроном

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Соғлом элнинг эртаси улуғ

Болалик дамларини тез-тез хотирламайдиган инсон кам топилса керак. Эслайсизми, гўдак чоғларимизда онамиз етовида "дўхтирхона"га борсак, дунёни бошимизга кўтариб уввос солардик. Шифокорларнинг уколидан қўрққанимиз-ку майли, аслида бизни қишлоқ марказида жойлашган ўша мўъжазгина кулбанинг аччиқ дори ҳиди анқиб ётган хоналари-ю, сувоғи кўчиб тушай деб қолган харобаҳол деворларининг ваҳми босган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, олий маълумотли соҳа мутахассисларига зориқиб турган бу жойдан кўп ҳолларда дардимизга шифо тополмасдик ҳам. Бугун-чи?



"Олтин қалам" танловига

Яқинда ишим тушиб, маҳалламизда жойлашган қишлоқ врачлик пунктига кирдим. Ҳовлисида манзаралі дарахтлар ўтқазилиб, яқиндагина тўла таъмирдан чиқарилган бино эшигидан кирибоқ, уч-тўрт нафар болакайнинг залда қийқириб ўйнаб юришганига гувоҳ бўлдим ва беихтиёр ўша ўзимнинг дўхтирхонани кўрса юраги зириллайдиган болалигимни эсладим. Фарзандининг қўлидан етаклаб эмлаш хонасига олиб кираётган аёл эса "Ана дўхтир опанг келяптилар, салом бер, ўғлим" деб қўйди. Ҳа, бугун нафақат тиббиёт масканлари замонавий кўриниш касб этиб, барча қулайликларга эга бўлмоқда, балки ҳамюртларимизнинг тиббий маданияти ҳам йилдан-йилга ўсиб бораётир. Энди оналар хархаша қилаётган болаларига шифокорни "олабўжи" қилиб кўрсатишмайди. Энди дарди мадда бойлаб кетгачгина оқ кийимли нажоткорларни эслаб қоладиганларнинг сафи камайяпти. Энди бўй етган йигит-қизлар никоҳдан олдин шифокор кўригидан ўтишдан мақсад нималигини билишади.

Дарҳақиқат, аҳолида ўз соғлигига ўзи масъуллик ҳисси, умуман олганда тиббий маданият даражаси юксалиб бормоқда. Бу борада миллий тиббиётимизнинг бирламчи бўғини сифатида эътироф этилаётган ҚВПларнинг катта ҳиссаси борлиги сир эмас. Зотан, пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, иморат шунчалик умрбоқий бўлади. Бу ўхшатишни олис-олис қишлоқларимизда истиқомат қилаётган юртдошларимиз дард чекишганда ёки профилактика мақсадида эшик қоқиб келадиган илк тиббиёт маскани бўлмиш ҚВПга нисбатан ҳам қўллаш жуда ўринли бўлар эди. Чунки айни шу даргоҳда қўйилган аниқ ташхис ва самарали тиббий хизмат ватандошларимиз саломатлиги йўлида қўйилаётган муҳим қадамимиздир.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати берган маълумотга кўра, ўтган давр мобайнида мамлакатимиздаги мавжуд 3200 тадан ошиқ ҚВП фаолиятини янада такомиллаштириш, барча имконият ва қулайликларга эга замонавий тиббий муассаса сифатида шакллантириш мақсадида улар 10,2 миллион АҚШ доллари қийматидаги тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Қолаверса, бу тиббий муассасаларга дори воситаларини етказиб бериш ҳажми 2009 йилдагига нисбатан 3,1 баробарга ошгани, уларнинг қошида 450 дан ошиқ дорихона филиаллари ва 14 та кўчма дорихона ташкил этилгани алоҳида қайд этишга лойиқ. Энг қувонарлиси эса бугунги кунда барча ҚВПларимизда олий маълумотли умумий амалиёт шифокорлари фаолият кўрсатишмоқдаки, бу кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати юксалишига сабаб бўлаётир. Ўз ўрнида улар республика ихтисослаштирилган марказлари, йирик даволаш муассасалари ва олий ўқув юртларида ишлаётган ўз соҳасининг билимдони бўлган тажрибали шифокорлар билан мустаҳкам алоқа боғлаб, зарур маслаҳат ва тавсиялар, амалий ёрдам олмоқдалар.

Шуни таъкидламоқ жоизки, юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан давом эттирилаётган ислоҳотлар замирида эл-юрт саломатлиги, келажак авлод баркамоллиги, оналар соғломлиги, умуман олганда инсон манфаатлари ётгани ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этиш, шошилинч тиббий хизмат тизимини янада такомиллаштириш, ҳар томонлама малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қолаверса, фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда мақташга арзигулик ютуқлар қўлга киритилди. Чунончи, биргина ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг ташкил этилишини олайлик. Аввало, дарддан Аллоҳнинг ўзи асрасин, аммо тақдир тақозоси билан бирор кўз микрохирургия марказига мурожаат қилгач, сўнган умидим куртак ёза бошлади. Менда кўз шоҳ пардаси трансплантацияси амалиёти ўтказилиб, эндиликда оламни кўра олиш бахтига муяссар бўлдим.

Ҳа, бу инсон ва унга ўхшаганлар шодлигининг чеки-чегараси йўқ. Қолаверса, тақдир тақозоси билан бир неча йиллардан бери ҳаётдан тўла баҳра ололмаётганларга ана шундай шодлик туйғусини ҳадя этаётганларнинг хизмати-да ҳар қанча тақсинга лойиқ.

Бундан ташқари, яқин-яқингача ҳатто орзу қилишга ҳам журъат қила олмаганимиз ўта мураккаб юрак жарроҳликлари, чунончи юрак аритмияси билан оғриган беморларни тиғсиз, кўкрак қафасини очмасдан туриб дарддан оғир хасталикка дучор бўлган беморлар эндиликда даво излаб хорижма-хориж сарсон бўлишларига ҳожат йўқ. Чунки юртимизда фаолият юритиб турган ўндан ошиқ ихтисослаштирилган марказларнинг ўзида уларга дунё андозалари даражасида тиббий хизмат кўрсатилади. Бу жумлаларни фахр билан ёзаётганимизнинг ўзи биз учун бахт. Зотан, бугун ҳамюртларимиз ўз Ватанимизда ўзимизнинг шифокорлар томонидан ўтказилаётган ўта мураккаб жарроҳлик амалиётлари натижасида ҳаётга қайтишмоқда, умр кўришдан умиди сўнган оғир ҳолатда ҳам сифатли тиббий ёрдам туфайли яшаш завқига мушарраф бўлишмоқда. Аслида бундан-да буюкроқ саодат бўлмаса керак. Буни ўз бошидан ўтказган инсонлар янада теранроқ ҳис қилишади.

— Мен ҳаётни фақат кўз ўнгим туманлашган ҳолда кўра олардим, тўғрироғи, шарпаларни тасаввур қилардим, холос. Чунки туғилганимдан бери менга нисбатан "кўзи ожиз" деган ибора ишлатилиб келинган, — дея гап бошлади ўзини Рўзимурод Хўжаев деб таништирган ўрта ёшлардаги ҳамюртимиз. — Ҳаётни тиниқ рангларда кўра олиш бахтидан аллақачон умидимни узиб бўлгандим. Аммо Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия марказида мурожаат қилгач, сўнган умидим куртак ёза бошлади. Менда кўз шоҳ пардаси трансплантацияси амалиёти ўтказилиб, эндиликда оламни кўра олиш бахтига муяссар бўлдим.

Ҳа, бу инсон ва унга ўхшаганлар шодлигининг чеки-чегараси йўқ. Қолаверса, тақдир тақозоси билан бир неча йиллардан бери ҳаётдан тўла баҳра ололмаётганларга ана шундай шодлик туйғусини ҳадя этаётганларнинг хизмати-да ҳар қанча тақсинга лойиқ.

Бундан ташқари, яқин-яқингача ҳатто орзу қилишга ҳам журъат қила олмаганимиз ўта мураккаб юрак жарроҳликлари, чунончи юрак аритмияси билан оғриган беморларни тиғсиз, кўкрак қафасини очмасдан туриб дарддан фориғ қилиш, оғир турдаги қон касалликларини даволаш, суяк илиги трансплантациясини ўтказиш амалиёти каби ўта жиддий жарроҳликларнинг ўз юртимизда ўтказилаётгани қувонарли эмасми?! Қолаверса, ана шундай имконият бутун Марказий Осиё минтақаси бўйича фақат бизнинг юртимизда борлиги-чи?! Буларнинг бари соҳада пухта ўйлаб амалиётга жорий этилаётган ислоҳотларнинг самарасидир!

Соҳада қўлга киритилган ютуқларимиз ҳақида сўз борганда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлидаги хайрли ишларни ҳам алоҳида тилга олмоқ лозим. Бу ҳақда Юртбошимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, жумладан, шундай деган эди:

"Кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коэффициенти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коэффициенти эса 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушди. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди".

Дарҳақиқат, ушбу рақамлар юртимизда она ва бола саломатлиги, келажак авлод баркамоллиги йўлида қилинаётган оқилона саъй-ҳаракатлардан нишона. Биргина мисол: барча вилоятларимиз ва Тошкент шаҳрида скрининг марказларининг ташкил этилгани ва ўтган йилда ушбу марказлар томонидан 116 минг нафардан зиёд онанинг тиббий кўрикдан ўтказилгани кўплаб нохушликларнинг олдини олишда самарали хизмат қилгани шубҳасиз. Қолаверса, она ва бола саломатлиги йўлида юртимизда мавжуд 11 та перинатал марказларнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Бу ерда келажак авлоднинг соғлом туғилиши ва оналар саломатлигини сақлаш учун зарур барча тиббий шароитлар мавжуд. Шу ўринда қишлоқ аёлларининг соғлигига бўлган юксак ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлган ўтган йили 22 июлда қабул қилинган "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида олис туманларимизда яшовчи ҳомиладор аёллар умумий қувватлантирувчи поливитаминлар комплекси билан бепул таъминланиши кўзда тутилган. Ушбу эзгу мақсад учун давлатимиз бюджети ҳисобидан 8 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ажратилди. Бу, албатта, авлодлар баркамоллиги йўлида қилинаётган мислсиз эътибордан биридир. Зотан, Юртбошимиз айтганларидек "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур".

Эътироф этиш керакки, бу йўналишда Ватанимизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда бизнинг давлатимиз намунавий модель сифатида бутун дунёда эътироф этилгани юқоридаги фикрни исботлайди.

Яна бир гап. Ўтган йили Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига қарашли Европа Ҳудудий комиссиясининг Москвада бўлиб ўтган 60-сессиясида унга аъзо давлатлар томонидан дунёдаги фақат икки давлат — Ўзбекистон ва Швейцария ушбу нуфузли ташкилотнинг Ижроия қўмитаси аъзолигига бир овоздан якдиллик билан сайланди. Энди бизнинг юртимиз нафақат ўзи ёки минтақа халқлари, балки бутун дунё аҳолиси манфаатини ҳам жаҳоннинг энг йирик халқаро ташкилоти олдида ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳам Ватанимизда инсон саломатлиги йўлида олиб борилаётган одил сиёсатнинг халқаро ҳамжамият томонидан тан олинаётганидан далолатдир.

Юртимизда фармацевтика соҳасида кузатилаётган жадал ривожланиш ҳам эътирофга арзийди. Чунончи, сўнгги йилларда ўзбек олимлари томонидан ўттиздан ошиқ янги дори воситалари ихтиро қилингани ва улар аллақачон бемор ҳамюртларимизнинг дардига шифо бераётгани эътирофга лойиқ. Маълумотларга кўра, мустақилликкача бўлган даврда мамлакатимизда атиги учта корхона томонидан эллликка яқин дори воситалари ва тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, холос. Бундай ҳолатда эса зарур малҳамларнинг четдан келтирилиши натижасида уларнинг нархи юқори бўлиши турган гап. Қолаверса, юртимиз шароити, иқлими, табиатига мос бўлмаган дори воситалари ҳамюртларимиз саломатлигини тиклашга тўла ёрдам бериши ҳам гумон экани тўғрисидаги фикр олимларимиз томонидан илгари сурилмоқда. Шундай экан ўз диёримизда шу тупроқда унибўсаётган доривор гиёҳлардан тайёрланадиган маҳсулотларнинг самараси юқори бўлиши шубҳасиз. Бу йўналишда юртимизда, аллақачон саъй-ҳаракатлар бошланиб, ҳозирда мамлакатимизда фаолият юритаётган 120 га яқин фармацевтика саноати корхоналари томонидан 1000 дан ошиқ дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Шубҳа йўқки, соҳа ривожида уни молиялаштириш масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Эътиборлиси шундаки, соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадини кўзлаб ажратилаётган бюджет маблағлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2010 йилда соҳа ривожи учун давлат бюджетидан 1 триллион 703 миллиард сўм ажратилди. Бу кўрсаткич охирги уч йилга нисбатан икки ярим баробар кўп демакдир.

Дарҳақиқат, Ватанимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар фахрланишга арзигулик. Аммо соҳада ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам бор. Хўш, келгусида соҳада қандай янгилик ва ўзгаришлар кузатилади? Бу ҳақда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати қуйидагича маълумот берди: жорий йилдан бошлаб "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилади. Бунга 93 миллион АҚШ доллари сарфланиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, ушбу йилда Республика ихтисослаштирилган эндокринология, фтизиатрия ва пульмонология ҳамда педиатрия илмий-амалий марказларида таъмирлаш ишлари якунланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланади. Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази таркибида янги, дунё андозаларига тўлиқ жавоб бералиган кардио-хирургия бўлими ҳам фойдаланишга топширилади. Умуман олганда, бундан кейин ҳам инсон саломатлиги йўлидаги изчил ислоҳотларнинг давом эттирилиши режалаштирилмоқда. Зотан, соғлом элнинг эртаси ёруғ, мақсадлари улуғ, Ватани фаровон бўлажак.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири.

Мақола республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди.

Адлия почтасидан

Мамлакатимизда ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, давр талабига жавоб бера оладиган ҳар томонлама етук шахслар этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йиллар давомида ёшларга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи 22 та қонун, 30 дан ортиқ Президент Фармон ва қарорлари, 50 га яқин Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилингани фикримизнинг исботидир.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Дарҳақиқат, миллий қонунчилигимизда болаларга нисбатан ғамхўрлик ва инсонийлик тамойиллари акс этган бўлиб, бу ўтган йили қабул қилинган "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Баркамол авлод тарбиясига доир муҳим вазифа ва тадбирларни ўз ичига қамраб олган ушбу дастур келажагимиз эгалари бекаму кўст камол топиб улғайишларида муҳим аҳамият касб этди. Зеро, дастурда кўзда тутилган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, "оммавий маданият" иллатларининг зарарли таъсир ва таҳдидларидан муҳофаза қилишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бундан ташқари ёшлар ўртасида муназам мташкил этиб келинаётган "Сиз ҳуқуқингизни биласизми?", "Сиз Конституцияни биласизми?", "Ҳуқуқ билимдонлари" каби кўрик-танловлар қутилган натижани бериши шубҳасиз. Чунки мазкур танловлар орқали мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда умуминсоний қадриятлар ёшлар онгига янгича йўналиш, интерфаол усуллар орқали сингдириб борилади.

Наргиза МИРСААТОВА,
Ҳусан КАЗАКБОЕВ,
Тошкент шаҳар давлат нотариал идораси нотариуслари

Сўраган экансиз

Айтинг-чи, эр-хотин ўртасида никоҳ шартномаси тузиш шартми? Умуман, никоҳ шартномаси нималарни кўзда тутади?

Муножот Қосимова

Тошкент вилояти, Қибрай тумани

Никоҳ шартномаси предметини ифодаловчи хусусиятлар, шартлар эр-хотин ўртасида мавжуд бўлган мулкий ҳуқуқлар, шунингдек, келажакда улар томонидан қўлга киритилиши мумкин бўлган мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлардан иборат бўлади. У келгусида вужудга келиши эҳтимол тутилган низоларни суд амалиётида тўғри ҳал қилишга ёрдам беради.

Қонунчиликка кўра никоҳ шартномаси фақат мулкка нисбатан тузилади. Мабодо унда эр-хотиннинг шахсий муносабатларини тартибга солишга қаратилган шартлар мавжуд бўлса, ҳақиқий эмас, деб топилади.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ўзаро келишувига мувофиқ исталган вақтгача давом эттирилади ёки тугатилади. Лекин уни бир томонлама бекор қилиши тақиқланади. Шу муносабат билан уни ўзгартириш, бекор қилиш асосларини шартномада кўрсатиш зарур. Бундан ташқари, шартнома тасдиқланаётганида нотариус эр ва хотинга ўз кредиторларини никоҳ шартномаси тузилгани, ўзгартирилгани ёки бекор қилингани тўғрисида хабардор қилиши лозимлигини тушунтириши даркор. Бу мажбурият бажарилмаган ҳолда, эр ёки хотин никоҳ шартномаси мазмунидан қатъи назар, ўз мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади. Бу никоҳ шартномаси шартларига кўра қарздор эр ёки хотиннинг биргаликдаги мулки бўлиши ёки бошқанинг тасарруфига ўтганидан қатъи назар, ундириб олиниши мумкинлигини билдиради.

Марҳамат ТУРДИАЛИЕВА,
Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги
2-нотариал идора катта нотариуси

Васият бўйича қолдирилган мол-мулкдан кимлар мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин?

Нодир Шамсиддинов,

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри

Шуни таъкидлаш керакки, васият бўйича меросхўр бўлиши ман қилинган шахслар рўйхати қонунда белгилаб қўйилмаган. Аммо амалдаги қонунларимизда маълум бир чекловлар ўрнатилган. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 1119-моддасида назарда тутилган асосларда ворис, шу жумладан, васият бўйича ворис этиб тайинланган шахс ҳам суднинг ҳал қилув қарори билан нолойиқ меросхўр деб топилиб, мерос олишдан маҳрум қилиниши мумкин. Шунингдек, мазкур моддада кўрсатилишича, мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилингандан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Мерос қолдирувчи ўзининг охирги хоҳиш-иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворис бўлишига ёхуд меросхўрларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тиклонмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Абдурашид ИСАКЖАНОВ,
Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар 2-сонли
давлат нотариал идорасининг нотариуси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

Оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуот нашрлари ўзининг ҳақиқий ўқувчисига, кенг аудиториясига эга бўлгандагина, уларнинг кучи, таъсирчанлиги ошади. Бу, шубҳасиз, соҳа ходимларидан воқеликка тийрак кўз, уйғоқ шуур билан назар солишни, бир сўз билан айтганда, замон билан ҳамнафас фаолият олиб боришни талаб этади. Бинобарин, халқимизнинг маънавий эҳтиёжини бойитишга хизмат қиладиган матбуот нашрлари замон талаблари даражасида шаклланиши, чинакам халқ минбарига айланиши даркор.

Албатта, газета-журналларда чоп қилинаётган мақола ва репортажлар, очерк ва лавҳалар, корреспондеция ва хабарларнинг ҳам бадиий, ҳам мантиқий жиҳатдан пишиқ-пухта ҳамда воқеликка вобаста, ҳақиқатга эш бўлиши матбуот нуфузи ва нуфусини оширишга хизмат қилиши аниқ. Бундан ташқари, матбуотнинг халқ билан яқинлигини таъминлашда, нашрларнинг ўқувчилар қўлига етиб боришида жойларда обуна ишларининг мақсадга мувофиқ тарзда ўтказилиши ҳам катта роль ўйнайди.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолаларда оммавий ахборот воситалари олдида турган жамиятда маънавий эҳтиёжни қондиришдек юксак вазифаларни тўлақонли амалга оширишга қайсидир даражада салбий таъсир этаётган, айни чоғда жойлардаги айрим мутасадди идора ва ташкилотларнинг 2011 йил учун обуна ишларига муносабатлари таҳлил этилган.

Сабаблар ва сабоқлар

Турли йўналиш ва кўринишда чоп этилаётган нашрларнинг истеъмолчи қўлига мунтазам равишда етиб бориши, газетхоннинг ўзи истаган янгилик ва ахборотлардан ўз вақтида хабардор бўлишида обуна катта аҳамият касб этади. Энг муҳими, бу жараёнда таҳририят ва ўқувчи ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилади.

Маълумки, матбуот нашрларига 2011 йил учун обуна мавсуми якунланди. Ғалвир сувдан кўтарилиб, қайси нашрнинг қанча обуначиси борлиги маълум бўлди. Қайд этиш жоиз, ўз олдига юртимизда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиш жараёнларини ёритишни мақсад қилган «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетасининг обунаси ҳам бир қадар олдинга силжигани кузатилди. Айниқса, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида обуначиларимиз сони сезиларли даражада ошгани таҳсинга сазовор.

Маълумки, ҳар бир ишнинг самараси унга ўз вақтида қаратилган эътиборнинг даражасига боғлиқ бўлади. Номи қайд этилган вилоятларда обуна кўрсаткичларининг бирмунча юқори эканини ана шу жиҳат билан изоҳлаш ўринли.

— Вилоятимизда матбуот нашрларига обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш учун алоҳида тадбирлар режасини ишлаб чиқдик, — дейди Андижон вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Абдуваҳоб Нурматов биз билан суҳбатда. — Натижада мамлакат ва вилоят миқёсида чоп этилаётган нашрлар, жумладан, «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси ҳам кўп сонли обуначиларга эга бўлди. Бироқ биз эришилган марра билан чекланиб қолмадик, ундан тегишли хулосалар чиқардик. Хусусан, обуна мавсумини бошлашдан аввал унга пухта тайёргарлик кўриш лозим, деган фикрга келдик. Шу қоидага биноан бу йил матбуот нашрларига обуна мавсумига тайёргарликни майиюнь ойларидаёқ бошламоқчимиз.

Гувоҳи бўлганингиздек, ишга масъулият билан ёндашиш, муҳими, эътибор ижобий самара бермай қолмайди. Агар обуна мавсумига мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам лозим даражада эътибор қаратилганида эди, натижалар ҳозиргидан-да яхшироқ бўлар эди...

Афсуски, бу ишга ҳафсаласизлик билан ёндошилган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Жиззах вилоятида бир миллиондан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Беш мингга яқин катта-кичик ташкилотлар, корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, иккита олий ўқув юрти, 79 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 500 дан ортиқ мактабларда минг-минглаб ўқитувчилар, мураббийлар ишлашади. Уларнинг бари потенциал газетхонлар ҳисобланади. Шундай бўлса-да, вилоятда 2011 йил учун обуна жуда паст кўрсаткични қайд этгани кишини чуқур ўйга солади.

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида бўлиб, ушбу масаланинг туб моҳиятини ўрганишга ҳаракат қилдик. Маълум бўлишича, бошқарма тасарруфидаги муассасалар бўйича марказий ва маҳаллий нашрларга 2011 йил учун обуна доирасида газетамизга атиги 13 дона обуна қайд этилган. Шу боисдан эндиликда вилоятдаги коллежларда нашр ёшларга, қолаверса, уларга сабоқ бераётган ўқитувчиларга етиб бормаяпти.

Вилоят Халқ таълими тизимидаги аҳвол ҳам ҳавас қиларли эмас. 2010 йил 11 декабрь маълумотида «Жамият» газетасига умумтаълим муассасаларида бир дона ҳам обуна бўлинмагани қайд этилган. Жорий йилнинг 6 январидаги маълумотда эса газетага 112 та обуна бўлингани кўрсатилган. Афсуски, бу рақам ҳам аниқ эмас экан. Кейинчалик нафақат таълим тизимида, балки бутун вилоят бўйича газетага 66 тагина йиллик обуна расмийлаштирилгани аён бўлди.

Албатта, бунинг сабаблари кўп. Аммо вазиятдан чиқиш учун қонуний асосдаги реал имкониятлар бор. Масалан, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарорининг 5-бандига мувофиқ қишлоқ жойларда ишлайдиган ўқитувчиларнинг ахборот билан таъминланишини яхшилаш учун қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг кутубхона фонди ўнтагача турдаги газета ҳамда журналларга (асосан республика оммавий ахборот воситаларига) маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан обуна қилиниши белгилаб қўйилган. Кузатувлар шундан далолат бермоқдаки, бу маблағлар асосан Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги газета ва журналларга йўналтирилган, холос. Тўғри, ўқитувчининг ўз касб йўналишидаги нашрларга обуна бўлиши жуда муҳим. Бироқ уларни мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий газеталарига обуна бўлишларини қўллаб-қувватлаш ҳам таълим тизимида ишлаётганларни, улар орқали ўқувчи-ёшларни турли соҳаларда давлат сиёсати даражасига кўтарилган жараёнлар ва масалалардан воқиф қилиб бориш имкониятини беради-ку!..

Сўзимиз сўнггида таъкидлашни истардик: обуна — ихтиёрий жараён, аммо мамлакатимизнинг муҳим даврий нашрларини аҳолига етказиш ҳам ўта зарур иш. Биз бу ўринда ҳакамлик қилиб, узилкесил фикр айтишдан йироқмиз. Фақат юқорида айтганимиздек, масалани ўрганиш чоғида кўп нарса эътиборга боғлиқ эканига амин бўлдик. Чунки, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга барча ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Жамият» газетаси мухбири

Обуна-2011: таҳлил ва талқин

Алдагани бола яхшими?

Бозор иқтисодиёти ҳалол рақобатни тақозо этади. Кейинги пайтларда барча соҳаларда бўлгани каби болалар матбуотида ҳам рақобат майдони вужудга келаётгани барчани хушнуд этганди. Масалан, "Тонг юлдузи", "Класс" газеталари ва "Гулхан", "Ғунча" журналлари сафига бир қанча хусусий нашрларининг қўшилиши болалар дунёқарашини ўстиришда бир-бирини тўлдиради, тарбия ва билим олишда яқиндан ёрдам беради, деб умид қилган эдик.

Афсуски, ундай бўлиб чиқмади. Масалан, болалар ва ўсмирларга мўлжалланган «Билимдон», «Знайка», «2х2», «Доно-Ворд» нашрлари асосан кўпроқ хорижда ишланган мультфильмларнинг суратларини чоп этиш билан чегараланиб қоляпти. Ушбу нашрларни варақлаганда миллий тарбиядан кўра, олди-қочдиларга асосланган мақола ва расмларни кўпроқ кўриш ва ўқиш мумкин. Шунингдек, фарзандларимиз соғлиғига жиддий путур етказиши мумкин бўлган рангларнинг қўлланишини нима билан изоҳлаш мумкин? Бу мазкур хусусий нашрлар фаолияти асосан кўпроқ фойда олишга йўналтирилганидан дарак бермайдими? Қолаверса, нуқул мультфильмлардаги аралаш-қуралаш суратларни, олди-қочди комексларни хориж ва интернет нашрларидан кўчириб чоп этиш — бу ҳам болалар нашри дегани эмас.

Агар 2011 йил учун ўтказилган обуна жараёнини эслайдиган бўлсак, дилни хира қиладиган айрим воқеалар ёдга тушади. Масалан, Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғининг 2010 йил 23 августдаги 01-1000 сонли қарори билан барча туман халқ таълими бўлимларига «Билимдон», «Знайка», «Доно-Ворд» нашрларига мажбурий обуна учун кўрсатма берилган. Оқибатда ёш авлоднинг маънавиятини юксалтиришга, мустақил юрт фарзандларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бевосита хизмат қилиб келаётган "Гулхан", "Ғунча", "Тонг юлдузи" ва "Класс" газета-журналларига обуна қилиш пайсалга солинди. Хайриятки, бу нохуш ҳолатларнинг олдини республика Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари ўз вақтида олиб, масалани жиддий ўрганиб, обунамизга яқиндан ёрдам бердилар.

Умид қиламизки, бу каби ҳолатлар бошқа такрорланмайди. Ниятимиз эса, хусусий нашрлар эгалари ҳам нуқул фойда изидан қувмай, болалар тарбиясига мос, рисоладагидай ҳисса қўшсинлар. Токи алдагани бола яхшими, деган фикрларга ўрин қолмасин.

Фарҳод ЭШМЎМИНОВ,
«Гулхан» журнали масъул котиби

Хорижий инвестициялар иштирокидаги «УРГАНЧ ЁҒ» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

яқинлашиб келаётган нафосат ва гўзаллик айёми —
8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ
билан юртимиздаги барча аёлларни самимий муборакбод этади.
Хонадонларидан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларидан файз-барака аримасин!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 , Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

БАҲРАЙНДА «ФОРМУЛА-1» ЎТКАЗИЛМАЙДИ



Баҳрайнда Гран-при туркумидаги «Формула-1» мусобақаси ўтказилмаслиги оқибатида ташкилотчилар, ҳомийлар ва мамлакат сайёҳлик тизими катта миқдорда зарар кўрадиган бўлди. Бундан, айниқса, меҳмонхона эгалари жабр кўришади. Чунки қиролликдаги кўплаб қимматли меҳмонхоналар олдиндан банд қилиб қўйилган эди.

Молиявий зиён кўришига қарамасдан, мусобақанинг бош ҳомийси Gulf Air авиакомпанияси пойга ишқибозларига пулларини қайтариб бермоқчи.

Хориж оммавий ахборот воситаларида эҳтимоли кўзда тутилаётган моддий зарарни қоплашнинг ягона йўли мусобақани кейинроқ ўтказишдир, деган фикр илгари сурилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, «Формула-1»нинг янги мавсуми 13 март куни Баҳрайндаги «Сахир Интернешнл» автодромида бошланиши лозим эди.

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ

Янги Зеландияда содир бўлган зилзила оқибатида ҳалок бўлганлар сони 240 кишига етди. Бу ҳақда «France-Presse» ахборот агентлиги хабар тарқатган.

Кентербери округи полицияси бошлиғи Дейва Клиффанинг сўзларига қараганда, ҳалок бўлганлар сони яна ҳам ўсиши мумкин. Чунки полиция маҳкамасига шундай хабарлар келиши давом этмоқда. Олдинроқ икки юзга яқин киши нобуд бўлгани ва бедарак йўқолгани тўғрисида хабар тарқатилган эди.

Мамлакат бош вазири Жон Кейнинг айтишича, Крайстчерч шаҳридаги уй-жойлар қурилиши юзасидан текширув ишлари олиб борилиши мумкин. Негаки, ер қимирлашига бардошли деб ҳисобланган ушбу иншоотларнинг аксарияти зилзила оқибатида вайронага айланган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, зилзила етказган зарар 15 миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

КАДДАФИНИНГ ПУЛЛАРИ «МУЗЛАТИЛДИ»

АҚШ молия вазирлиги Ливия раҳбари Муаммар Каддафига тегишли бўлган нақд пул ва қимматбаҳо қоғозлар кўринишидаги 30 миллиард доллар маблағи «музлатган». Вазирлик вакили Девид Коэннинг гувоҳлик беришича, бу АҚШ тарихида энг катта миқдорда «музлатилган» маблағдир.

Бундан бир неча кун муқаддам Европа Иттифоқи Каддафига нисбатан санкция қабул қилганди. Ушбу санкция Ливия раҳбари ҳисоб рақамларини ҳаракатдан тўхтатиш ва унинг ЕИга аъзо мамлакатларга чиқишини тақиқлашни кўзда тутади. Худди шунингдек, БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳам тегишли резолюциясини қабул қилди. Унда Ливияга қурол сотиш ҳамда Каддафининг мамлакат ҳудудидан четга чиқиши ман этилган.

Шу йилнинг февраль ойи ўрталарида Ливияда Каддафи тузумига қарши норозиликлар бошланган эди. Норасмий маълумотларга кўра, тўқнашувлар натижасида икки мингга яқин киши ҳалок бўлган.

МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ НАТИЖАСИДА

Япония «дунёдаги иккинчи иқтисодий бақувват мамлакат» мақомини бой бериб қўйди. У 1968 йилдан буён ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича АҚШдан кейинги ўринни эгаллаб келаётганди.

Ўтган йил натижаларига кўра, Хитой 5,879 триллион АҚШ доллари миқдорида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарган. «Кунчиқар юрт»да бу кўрсаткич 5,474 триллион долларни ташкил қилган. Бунга сўнгги уч йил ичида Хитойнинг катта иқтисодий ўсишга эришгани сабаб бўлди, дейиш мумкин.

Мутахассислар жаҳон молиявий инқирози бошқа мамлакатларга нисбатан Япония иқтисодиётига катта зарар етказганини айтишмоқда. Ҳақиқатан ҳам, жаҳон иқтисодий таназзули оқибатида мамлакатда экспорт ҳажми кескин қисқарди, маҳсулот ва товарларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги камайди.

Хитой 2007 йили Германияни қувиб ўтиб, дунёнинг учинчи иқтисодий ривожланган мамлакатига айланган эди. Экспертларнинг эътироф этишларича, иқтисодий ўсиш суръати ана шундай давом этса, у яқин ўн йил ичида АҚШни ҳам ортда қолдиради.

ЯНА ЁРДАМ СЎРАШДИ

АҚШнинг «Freddie Mac» ва «Fannie Mae» сингари йирик ипотека агентликлари ўтган йилни зарар билан якунлашди. Associated Press ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, ушбу зарар миқдори 41,5 миллиард долларни ташкил этади.

«Freddie Mac» агентлиги биргина ўтган йилнинг сўнгги чорагида 1,7 миллиард, «Fannie Mae» 2,1 миллиард доллар миқдорида зиён кўрган. 2009 йилдаги йўқотишлар бундан ҳам кўп бўлганди. Шунга қарамай, ҳар иккала молия муассасаси ҳукуматга яна ёрдам сўраб мурожаат қилган. Улар давлатдан жами 3,1 миллиард доллар миқдорида молиявий кўмак олишни мўлжаллашмоқда.

«Freddie Mac» ва «Fannie Mae» агентликлари мамлакат ипотека бозорининг 90 фоизидан кўпроғини назорат қилади.

Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида самарали ҳамкорлик

(Бошланиши 1-бетда.)



Мазкур ташкилот дунёда кечаётган ҳар қандай сиёсий жараёнларни мувофиқлаштириш ва бошқариш, минтақавий можароларни бартараф этиш, табиий офатларнинг олдини олиш, камбағалликка қарши курашиш каби кенг қамровли муаммоларни ҳал этиш йўлида фаолият юритиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқ нормаларини шакллантириш ва ривожлантиришда БМТнинг муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, охирги 30-40 йилда халқаро ҳуқуқни ривожлантириш соҳасида ўтган даврларга қараганда кўпроқ ва салмоқлироқ ютуқлар қўлга киритилди. Эндиликда ҳуқуқнинг янги тармоқлари, хусусан, коинотни ўзлаштириш ва замонавий ахборот коммуникациялари, экология ва бошқа талай соҳаларда ҳуқуқий меъёрлар тизими пайдо бўлди. Бундан ташқари, дипломатик, консуллик, денгиз ҳуқуқлари, шартномалар ҳуқуқи, халқаро оммавий, хусусий ва иқтисодий ҳуқуқни кодификациялаш борасида катта ишлар амалга оширилди, турли тармоқларда, масалан, қитъа шельфида тўлиқ иқтисодий зона режимини тартибга соладиган янги меъёрлар яратилди.

Ташқи сиёсатни амалга оширишда ва халқаро баҳсларни ҳал қилишда кучдан фойдаланиш амалиётини тақиқловчи ҳуқуқий меъёрларнинг яратилиши бу борада эришилган энг муҳим ютуқ сифатида баҳоланиши лозим. Айниқса, халқаро ҳуқуқда давлатларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қуролли можароларнинг олдини олишга қаратилган (масалан, қуролланиш пойгасини чеклаш орқали ва бошқалар) қатор нормаларнинг яратилгани диққатга сазовордир.

Ҳозирги вақтда БМТнинг иштирокисиз дунё миқёсида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, шунингдек, минтақаларо, давлатлараро ва миллатлараро муносабатларни ривожлантирмай дунёнинг барқарор тараққиётини тасаввур этиш мумкин эмас. Шу маънода, жаҳон халқлари манфаатлари, барча мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий тараққиётини кўзлаб фаолият юритаётган мазкур ташкилотнинг обрў-эътибори ва нуфузи ортиб бориши шубҳасиздир.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган (1992 йил 2 март) кундан эътиборан мамлакатимиз глобал ва минтақавий муаммоларнинг муҳокамасида ҳамда муҳим халқаро қарорларни қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида бу ташкилот Ўзбекистон учун чин маънодаги халқаро минбарга айланди. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси йиғилишларида бир неча бор халқаро террорчилик, диний экстремизм, гиёҳванд моддалари ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоларига биргаликда қарши курашиш борасида ташаббуслар билан чиқди. Президентимизнинг шу минбар орқали минтақамиздаги бир қатор муаммолар, жумладан, Афғонистондаги нотинч вазият ва унинг дунё барқарорлигига салбий таъсири ҳақидаги фикрлари жаҳон афкор оммаси эътиборини қаратди. Ўзбекистоннинг оламшумул аҳамиятли ташаббуслари кўплаб давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан нақадар асосли эканлиги бир неча бора эътироф этилди.

Айни пайтда БМТ ва Ўзбекистон ўртасидаги кенг қамровли алоқалар тадрижий равишда, изчиллик билан ривожланиб келаётганини кузатишимиз мумкин. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон БМТ билан ҳамкорлик қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб олди. Булар, жумладан, бугунги кунда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистонни қайта тиклаш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал этиш, хусусан, Орол денгизи фожиасининг оғир оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби йўналишлардир.

2010 йил 20-21 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ бош қароргоҳи — Нью-Йорк шаҳрида ташкил этилган БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида қатнашиб, нутқ сўзлади. Ушбу кенг қамровли нутқ дунёнинг кўзга кўринган сиёсатчилари, экспертлари ва қатор нуфузли ташкилотлар вакиллари томонидан жуда юксак баҳоланди. Чунки ундаги фикр ва илгари сурилган ғоялар глобал ва минтақавий миқёсда долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммоларнинг самарали ечимлари билан боғлиқдир.

Юртбошимиз мазкур чиқишида Афғонистон бугунги кунда инсониятнинг масаласига яна бир карра алоҳида тўхталиб ўтди. Сабаби, Афғонистон дунёнинг энг ташвишли, чигал ва қарама-қаршиликка тўла муаммоси бўлиб, 30 йилдан буён ушбу заминда давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар кутилган натижани бергани йўқ. Бу эса афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини янада яққолроқ кўрсатмоқда. Шу ҳақда сўз юритган давлатимиз раҳбари ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш ўта муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, очиқ халқаро ҳамкорликнинг Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган янги модели — 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифини билдирди. Афғонистонга қўшни олти мамлакат — Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, шунингдек, Россия, АҚШ ва НАТОдан таркиб топадиган мазкур мулоқот гуруҳи афғон муаммосини бартараф этиш йўлларини топиш бўйича умумий принцип ва ёндашувларни муҳокама қилиш, Афғонистонда тинчлик ва тотувликка эришиш бўйича умумий англашув ва манфаатдорликни ишлаб чиқиш учун энг муҳим механизмга, самарадор музокара майдонига айланиши мумкин.

Президентимизнинг БМТ минбаридан туриб халқаро ҳамжамият эътиборини қаратган яна бир муҳим масала — бу Орол муаммосидир. Зеро, бугун дунёда экологик вазият тобора мураккаблашиб бораётган бир шароитда ушбу масалага бефарқ қараб бўлмайди. Чунки Орол фожиаси нафақат бир мамлакат ёки минтақага, балки бутун дунёга салбий таъсир кўрсатади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, қуриб бораётган Орол муаммоси — ушбу минтақада яшаётган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир.

Бир сўз билан айтганда, ўтган ўн тўққиз йил мобайнида мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаол аъзоларидан бирига айланди. Давлатимизнинг БМТ доирасида глобал масалаларда кўтариб чиққан муҳим таклиф ва ташаббуслари кўплаб дунё миқёсида бир қатор прогрессив саъй-ҳаракатларнинг бошланишига замин тайёрлаш билан бирга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга ҳам муносиб хизмат қилмоқда.

Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

Олам ажойиботлари

ОЛИС-ЯҚИН САЙЁРАЛАР



Галактикамиздаги сайёралар сони 50 миллиардга яқин. Шундан 500 миллиони яшаш учун яроқли бўлиши мумкин. «РИА Новости» ахборот агентлиги америкалик олим Уильям Боруцкининг сўзларига таяниб, ана шундай хабар тарқатган.

Уильям Боруцки «Кеплер» космик телескопи билан ишловчи илмий гуруҳнинг раҳбари ҳисобланади. Янги сайёраларни топиш ва тадқиқ қилишга мўлжалланган мазкур телескоп эса 2009 йили орбитага чиқарилган эди. У юлдузларнинг ёруғлик тебранишини қайд этиш асосида сайёраларни аниқлайди. Айтиш мумкинки, «Кеплер» ончалик катта бўлмаган ҳудудни «назорат» қила олади. Бироқ ушбу кичик ҳудудда ҳам 150 мингга яқин юлдузлар мавжуд экан.

Олимнинг таъкидлашича, «Кеплер» ҳозиргача 1200 та «номзод» сайёраларни «ушлаган». Уларнинг 54 таси ҳаёт манбаи — сув бўлиши мумкин бўлган имкониятга эга. «Шунингдек, телескопдан олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, — дейди олим, — юлдузлар тизимининг 44 фоизида сайёралар шаклланиб улгурган. Агар бутун галактика мисолида оладиган бўлсак, бу рақам 50 миллиардга яқин сайёрани ташкил этади».

РОБОТЛАР МАРАФОНИ

Японияда антиқа марофон ўтказилди. Унда илк бор роботлар иштирок этди.

Пойга стартига бор-йўғи бешта робот чиқди. Голиблик эса «Robovie-PC» русумли андроидга насиб этди. У ўзини таъқиб қилиб келаётган рақибидан сўнгги айланада ўзиб кетишга муваффақ бўлди.

Бўйи 40 сантиметр, оғирлиги 2,4 килограмм бўлган робот 42 километру 195 метр масофани 55 соат ичида босиб ўтган. Ўртача тезлиги эса соатига 770 метрни ташкил қилган.

«VOLVO» ЯНГИ МАШИНА ЧИҚАРМОҚЧИ

Жаҳонга машҳур «Volvo» компанияси ўзининг янги гибрид автомашинаси тўғрисида батафсил маълумот тарқатди. V60 русумли автоулов базасида яратилган ушбу енгил машина кўп миқдорда ишлаб чиқариш учун тайёр. У келаси йилда оммавий тарзда сотувга чиқарилади.

Янги машина двигатели Pure, Hybrid и Power номли учта усулда ишлайди. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, автомобиль атиги 6,9 сония ичида соатига юз километр тезликка чиқа олади. «Volvo V60» 2,4 дизель кучланишига ва 215 от кучига эга.

Шунингдек, автомобиль электр токи билан ҳам ҳаракатлана олади. Бунинг учун унга махсус электрмотор ва батарея ўрнатилган. Батареяни уй шароитида 4,5 соат ичида электр энергияси билан тўла таъминлаш мумкин.

«Volvo» компанияси янги автоуловни яқин орада Женевада бўлиб ўтадиган халқаро моторшоуда намойиш этиш ниятида.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ғиждувон туман солиқ инспекцияси жамоаси

баҳорнинг илк байрами —
8 март —
Халқаро хотин-қизлар куни
муносабати билан
юртимизнинг барча аёлларига
узоқ умр,
бахт-саодат тилайди.
Аёллик бахти,
бекалик тахти, оналик мартабаси
Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Янги тарихимиз саҳифалари

ХАЛҚНИНГ ЯРАТУВЧИЛИК ДАҲОСИ

Биринчи мақола

Яратиш туйғуси...

Бу туйғу куни кеча пайдо бўлгани йўқ, илк замонлардан буён шунақа. Кимдир заранг ерда боғ барпо этади, кимдир йўл очади, уйлар қуради, бедор кечаларда кимдир куй басталаб, ким достон ёзади. Ва шу тариқа ҳаёт яшаради, инсоннинг яширин имкониятлари оламни яшнатиб юборади.

Бугун барчани ҳайратга солган мўъжиза эртага эскиради, яна янги ишларга қўл урилади, тенгсиз ва бетимсол кашфиётлар яратилади. Инсон шу фазилати билан азиз ва мўътабар, ҳаёт шу хислати билан боқий ва муаззамдир.

Қўшиқ

Эски Жўва Себзор даҳасининг қадимий маҳаллаларидан бири бўлиб, ўз вақтида унга шаҳарнинг барча дарвозаларидан йўллар келиб туташган, Тахтапул, Зарқайнар, Қорасарой каби асосий кўчалар шу манзилда кесишган. Вақт ўтиши билан бозор кенгайиб, Эски Жўва маҳалласи унинг ичида қолиб кетади, кейин бу мавзе шу ном билан атала бошлайди.

"Эски Жўва" атамасининг маъноси шуки, илгари бу жойда жўвахона бўлган, унда қурол-яроқ сақланган. Бу ном шундан келиб чиққан.

Маълумки, 1865 йилдан сўнг Анҳорнинг кунботиш тарафи Эски шаҳар деб атала бошланди. Унинг ҳудуди бир ярим минг гектар ерни ишғол этиб, Бешёғоч, Кўкча, Себзор ва Шайхонтоҳур даҳаларидан ташкил топган. Марказий қисми Эски Жўва бўлган.

Эски шаҳарда маҳаллий халқ яшагани учун чор Россияси даврида ҳам, шўро замонида ҳам у эътибордан четда қолган. Ҳатто 1966 йили рўй берган зилзиладан кейин ҳам Эски шаҳар ҳаётида деярли ўзгариш бўлмаган. Фақат тўқсонинчи йилларга келиб, унинг бағрига шамол тегди. Арава сиғмайдиган эгри-бугри, тор-тақир кўчалар кенгайтирилди, маҳобатли кўприклар, замонавий турар-жой бинолари, кўркам маъмурий иморатлар қад ростлади ва кўҳна Тошкент таниб бўлмас даражада яшнаб-ўзгариб кетди.

Халқимиз Эски шаҳардаги беқиёс ўзгаришларни Президент Ислом Каримовнинг номи билан боғлаб гапиради. Бу бежиз эмас, албатта.

Ислом Каримов мамлакат раҳбари сифатида иш бошлаган ўша нотинч ва долғали кунларда пойтахтнинг масъул шахслари билан Эски шаҳарни пиёда айланиб чиқади ва яхши ният билан қўламли бунёдкорлик режасини тузади. Шундан буён бевосита ўзи бош бўлган ҳолда, бу ерда босқичма-босқич қурилиш ва ободончилик ишларини амалга ошириб келади.

Қаранг, давлатимиз раҳбари биргина 2004 йилнинг ўзида, август ва декабрь ойларида Эски Жўва ҳудудини қадамба-қадам айланиб чиқади, бу ерда олиб борилаётган ишлар билан атрофлича танишиб, уни бойитувчи, янада камол топишига хизмат қилувчи янги ғояларни илгари суради. Шу асосда навбатдаги бунёдкорлик ишлари бўйича лойиҳалар яратилади. 2005 йилнинг январида эса, ана шу лойиҳалар Оқсарой қароргоҳида муҳокама этилади, давлатимиз раҳбари кўзда тутилган ишлар ҳақида гапириб, бу мўътабар жой пойтахтимизнинг пойдевори эканига, азим шаҳар шу манзилда илдиз отиб, унинг тарихи шу заминдан бошланганига эътибор қаратади. Эски шаҳар қиёфасини тиклашда унинг асл меъморий асосини, қимматли шаҳарсозлик анъаналарини сақлаш ғоятда муҳим эканини яна бир бор уқтиради.

Шундан келиб чиқиб, қадимий даҳалар ва унга туташ ҳудудларда катта миқёсда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Алишер Навоий номли Миллий боғнинг сунъий кўли тубдан қайта қурилди, амфитеатр, Маданият ва санъат кўргазмалар зали ҳамда уни қуршаб олган сўлим арчазор, боғ барпо этилди. Эски Жўва бозори обод бир ансамблга айлантирилди, унинг ёнида Миллий либослар галереяси, Болалар ижодиёти уйи қад ростлади. Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи кўркам ва тароватли жозиба-қиёфа касб этди. Теварак-атрофда замонавий равон йўллар, чиройли фавворалар, яшил майдонлар ва файзли хиёбонлар қурилди.

Шуни айтиш керакки, янги меъморий ансамбллар Тошкентнинг чирой очиши, гуллаб-яшнаши, пойтахтнинг меъморий жозибаси улуғворлик касб этиши учун мустаҳкам замин яратиб қолмай, мумтоз санъат намунаси сифатида ўзини намоён этмоқда, шаҳарсозлик тарихида нурли саҳифалар очмоқда. Ундан ҳам муҳими, бу кўркам ва улуғвор обидалар халқимизга, юртдошларимизнинг гўзалликдан завқ олиб, ҳаётга кўнгил қўйиб яшашига хизмат қилмоқда.

Улуғ ишлар она алласига, ёки бўлмаса, юракдан отилиб чиққан эл-юрт ҳақидаги, ишқу вафо ҳақидаги ўлмас-йитмас қўшиққа ўхшайди. Ўзининг оташин сеҳру жозибаси, даъватқор-таъсирчан руҳи билан ҳаммани маҳлиё этиб, ноғора садоси каби олижаноб мақсад ва интилиш сари ундаб-қанотлантириб туради. Эски шаҳарда амалга оширилган беқиёс ишлар оддий одамлар қалбида зўр ғайраташижоат, ёлқинли интилиш ва нурли сафарбарлик уйғотгани ана шунинг тасдиғидир.

Мен шу ҳақда ёзаётган кезларда Юнус Эргашев деган ўттиз саккиз йил темир йўл маҳкамасида меҳнат қилган, айни пайтда кексалик гаштини сураётган отахон билан суҳбат қилганман.

— Эски шаҳарда туғилиб ўсганман, — деб ҳикоя қилади оқсоқол. — Биласизми, кўз ўнгимизда Бешёғоч майдонидан Эски Жўвагача бўлган жойлар шундай яшнаб-яшариб кетдики, унинг хуснига боқиб, одамнинг кўзи тўймайди. Ойнадай равон йўллар, яшилликка бурканган шинам кўчалар ҳавасингни келтиради. Ҳозирги Консерватория биноси ўрнида бир вақтлар ачитқиси бурқсиган пиво заводи, "Жар" спорт мажмуи ўрнида эса, чиқиндихонага айланган ҳайҳотдай жарлик бўлар эди. Шуни айтсанг, ҳозирги ёшлар ишонадими?!.

— Абдулла Қодирий боғини айтмайсизми! — дея суҳбатга қўшилди хастимомлик Саноат опа деган аёл. — Қаранг, уч дарвозаси уч тарафдан элни оғушига чорлаб турибди!

Кўркам ва замонавий аттракционлар, ям-яшил майсазорлар, салқин ва сўлим хиёбон кишининг баҳри-дилини очади, чойхона эса, қишин-ёзин гавжум.

Эски Жўва майдони бежирим шаҳарчага ўхшайди.

— Чиқиб айлансам, чарчоғим чиқиб кетади, — деб давом этади опа. — Илгари ишдан қайтгач, телевизор олдида ўтириб, кунни кеч қилардик. Бундай кўнгилочар жойларнинг ўзи бўлмаган. Ҳозир неваралари етаклаб чиқиб, сайр этадиган, ҳордиқ чиқарадиган шундай сўлим ва хушманзара оромгоҳлар ҳар қайси туманда бор. Шундай жойларни айлансам, бизни, элу юртимизни ўйлаб, жон куйдириб яшаётган инсонлар меҳрини, уларнинг саховатини ҳис этгандай бўламан.

Ҳақиқатан ҳам, шундай.

Эски Жўва ансамблининг яшил кўкаламзорлари, меъморий иншоотлари, фавворалар манзаралари уйғунлашиб, бир-бирини тўлдириб боради ва кишини ўзига маҳлиё этади. Айниқса, унинг марказида қад ростлаган Миллий либослар галереясини айтмайсизми! Хадра майдонидан Эски Жўвага қараб йўл олган киши кенг ва равон йўл адоғида қаддини баланд кўтарган кўркам ва улуғвор иморатни, унинг олдидаги фавворалари, бахмалдек тўшалган ям-яшил майдонни кўриб, бу бетакрор гўзалликдан олам-жаҳон завқ олади.

Шаҳарсозлик санъатининг олмос қирраларидан бири бу!

Эски Жўвани айланиб, Хастимомга йўл олганда шу ўйлар хаёлимизни банд этди.

Биласиз, Эски Жўвадан қарийб бир чақирим нарида, Хастимом мавзесида, тўққиз ярим гектар ҳудудда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари қарийб етти ой давом этди. Бугун салкам икки минг ишчи кечани кеча, кундузни кундуз демай астойдил чеккан заҳмат ўзининг бетимсол ҳосиласи билан кўнгилларга ҳайрат ва ҳаяжон, ғурур ва ифтихор солиб турибди.



Яхшиликнинг умри боқий

Хастимом мавзеси Эски шаҳарнинг Зарқайнар ва Қорасарой кўчалари кесишган нуқтада жойлашган. Бу гўшада Бароқхон мадрасаси бўлиб, муқаддам унда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси фаолият юритган, мадраса рўпарасида Тиллашайх масжиди қад ростлаб турибди.

Тарихий ёдгорлик бўлмиш бу осори атиқалар тартибсиз қурилган тиғиз ва кўримсиз уйлар орасида, қаровсиз бир ҳолда қолиб кетган эди.

Диний идора кутубхонаси жойлашган Мўйимуборак мадрасаси ҳам эскириб-нураб, ўзининг кўрку салобатини йўқотган, тутдай тўкилиб, ночор ва аянчли аҳволга тушиб қолганди. Қадамжога олиб борувчи эгри-бугри тор кўчалар қишда лой, ёзда чанг, уларда на чирой қолган, на файзу тароват. Ҳолбуки, Хастимом меъморий мажмуаси эътиборга молик жиҳатга эга, қолаверса, Муфтият шу ерда, муқаддас Усмон Қуръони шу ерда сақланади. Шу боис, Президентимиз бу мавзега алоҳида диққат-эътибор қаратди, кўпдан-кўп тарихий ҳодисаларнинг тилсиз гувоҳи бўлган қадамжони обод этиш ва иззатга лойиқ жойга айлантириш ғоясини илгари сурди. Шундан келиб чиқиб, мавзени таъмирлаш, қуриш ва обод этиш билан боғлиқ ишлар ва лойиҳалар бир неча бор атрофлича муҳокама этилди. Ниҳоят Юртбошимиз кўрсатмаси асосида 2006 йилнинг 5 ноябрида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланди.

— Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, муқаддас динимиз билан боғлиқ бу маскандаги тиклаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш масаласига жуда жиддий ёндашиш зарур, — деб уқтирди давлатимиз раҳбари 2007 йил январь ойида, тубдан янгиланаётган муаззам ансамбль лойиҳаси муҳокамасида. — Биз бошлаган иш ўта нозик ва масъулиятли, етти ўлчаб бир кесишни талаб этади. Аввало, бундай мўътабар жойларга ҳар қайси одам Оллоҳни ёд этиб, ибодат қилиш, покланиш ниятида келади. Ота-боболаримиздан мерос бўлмиш эътиқод эҳтиёжини кишиларимиз эмин-эркин адо этиши лозим. Халқимизнинг асрий эзгу тилакларини рўёбга чиқариш ҳар биримиз учун қутлуғ ва муқаддас ҳисобланади ва бундай шарафли ишни амалга ошириш неча асрда бир авлодга насиб этади!

Диний идора кутубхонасида Қуръони каримнинг энг қадимий ва ноёб нусхаси бўлмиш Усмон Мусҳафи сақланади. Бу мумтоз ёдгорлик ҳар бир инсон учун улуғ ва мўътабар мулк, тенгсиз ва беқиёс қадриятдир. Ислом аҳлининг муқаддас китоби ва дастуруламали бўлмиш Қуръони Каримнинг мумтоз намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар бир мўмин-мусулмон учун ҳар қарз, ҳам фарз, шу билан бирга, зиёрат аҳлини илоҳий каломдан баҳраманд этмоқ ҳам вазифамиздир. Бу хайрли ва ўта масъулиятли иш бўлиб, шу мақсадда барча қулайлик ва шароит яратилган муносиб бир музей барпо этиш ниятидамиз. Шубҳасиз, бу иншоот ҳар томонлама мукаммал ва улуғвор бўлиши, неча замондан буён халқимиз интилиб яшаган нурли ва саодатли тилакларни ўзида мужассам этиши лозим.

Шунингдек, Президент Ислом Каримов мажмуада барпо этилиши кўзда тутилган Марказий Осиёда энг йирик ва муаззам янги масжид қурилишига эътибор қаратиб, унинг биноси ёруғ ва баҳаво бўлиши, уч тарафи енгил равоқли шарқона пешайвон билан ўралиб, ҳовлиси кенг-мўл яшил ҳудуддан ташкил топиши лозим эканини таъкидлади.

Ўша йилнинг февралида Хастимомдаги ишлар ва янги иншоотлар лойиҳаси Оқсарой қароргоҳида яна бир бор муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари мажмуа ҳудудида амалга оширилаётган қурилиш, муҳандислик, ёғоч ўймакорлиги ва ганчкорлик ишлари ҳақида мулоҳаза юритиб, ансамблдаги иморатлар меъморий жиҳатдан бир-бирига уйғун ва ўзаро мутаносиб бўлиши лозим эканини уқтирди.

Ўзбекистон замини азиз ва мўътабар экани, муқаддас ислом дини қувват олиб, янада кенг ёйилишида иккинчи манба бўлгани мусулмон оламида якдиллик билан эътироф этилади. Мустақиллик йилларида Ватанимизнинг мана шу мавқеи, азалий шон-шавкати ва ислом дунёсидаги чинакам қадр-қиммати яна бўй кўрсатди.

Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Имом Мотуридий каби кўпдан-кўп исломий мутафаккирларнинг табаррук номлари, ноёб ва бебаҳо мероси қайта тикланди. Шу билан бирга, бу зоти шарифлар хоки пойида беқиёс меъморий ансамбллар бунёд этилдики, эндиликда бу нурли ва обод обидаларнинг ҳар қайсиси бутун мусулмон оламида азиз ва мўътабар зиёратгоҳ ҳисобланади.

Президентимиз мана шу улкан яратувчилик ишида юксак малака ва тажриба орттирган қўлигул усталар, моҳир ҳунарманд ва қурувчиларни янги мажмуа, хусусан, муаззам янги масжид қурилишига жалб этиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади. Шу билан бирга, пойтахтдаги Кўкалдош каби муҳташам обидаларга хос бўлган меъморий услуб ва анъаналарни чуқур ўрганиш ҳамда уларни замонавий тажриба асосида ривожлантириб, янги ансамблда, қурилиш-таъмирлаш ишларида ҳассослик ва маҳорат билан қўллаш зарур эканини айтди.

— Мажмуадаги ҳар бир гумбаз мовий рангда, енгил вазнли, кўркам ва улуғвор бўлсин! — деб уқтирди Юртбошимиз. — Ҳар бир иншоот, айниқса, янги масжид ўзининг кўрку салобати ва ҳайбату маҳобати билан ҳар қандай инсонни ҳайратга солсин, айни вақтда Тошкент меъморчилик ва мусулмончилик мактабининг бетакрор ютуқ ва анъаналарини ўзида тўлиқ мужассам этсин! Унда пойтахт меъморлари, қурувчи усталари, наққошу ҳунармандларнинг ўзига хос санъати кўзга яққол ташланиб турсин! Масжид ҳар томонлама муаззам бўлиб, илоҳий сокинлиги билан намозхонлар руҳига таскин бахш этсин, бу кўркам ва салобатли саждагоҳ, бу муқаддас зиёратгоҳ ўзининг кўрку маҳобати билан дунёнинг аввали ва охирини ёдга солиб, ҳар бир инсонни ҳидоятга ундаб, асрлар оша халқимизга хизмат қилсин, фарзандларимизни поклик ва маърифатга чорлаб, маънавий-руҳий тарбия бешигига айлансин!

Янги мажмуа яхлит бир тарихий, диний-маърифий ва маданий ансамблни ташкил этади. Давлатимиз раҳбари Муфтият ва Дин ишлари бўйича қўмита идораси ҳам ўзининг меъморий қиёфаси билан ансамблнинг умумий кўринишига уйғун ва муносиб бўлсин, деди.

Мусулмон оламида ғоят улуғлиги ва олий даражада ноёблиги билан оламшумул аҳамият касб этган Усмон Қуръони музейи мажмуа жавҳари янглиғ мумтоз обида бўлади. Кўриниб турибдики, кўзда тутилган ишларнинг кўлами улкан ва беқиёсдир. Шу боис, серқирра ва шиддатли бунёдкорлик ишига Юртбошимизнинг ўзи бош-қош бўлди.

Шундан келиб чиқиб, Хастимом жамоатчилик жамғармаси ташкил этилди. Ва бу жамғарма кўпдан-кўп савобталаб, саховатпеша инсонларни хайрли ишга сафарбар этиб, муаззам ансамбль қурилиши атрофида эл-улуснинг бошини бириктирди.

Дунёда бундан олижаноб, бундан кўра хайрли иш борми, ўзи?!.

Мўътабар динимизнинг инсонпарварлик фалсафаси, беқиёс ахлоқий асослари ҳар бир инсон кўнглида эзгулик ва яхшилик алангасини ёлқинлантириб туради, уни тинчлик ва осойишталикка, иттифоқлик ва олижаноб ишларга ундайди.

"Яхшилик нур келтиради, ёмонлик зулмат, — деган эди Президент Ислом Каримов, мустақиллликнинг илк кунларида. — **Ўзбекистоннинг келажаги яхшилик пойдеворига қурилмоғи шарт. Чунки фақат яхшилик боқий яшайди. Одамларнинг одамларга, юртларнинг юртларга, миллатларнинг миллатларга яхшилиги! Бугуннинг келажакка яхшилиги!**

Бу Ўзбекистоннинг шиоригина эмас, даъватига, чақириғига, хислатига айлансин! Яхшилик қилган миллатни ҳурматлаш, яхшилик қилган авлодни эъзозлаш тафаккур оламининг қуёшига айлансин!

Менинг орзуим ҳам, истагим ҳам, тутар йўлим, қайғу-ташвишим, қувончу севинчимнинг асоси ҳам ана шу!"

Хастимомда амалга оширилган хайрли ишлар шу нурли тилак йўлида навбатдаги залворли қадамдир.

Ғаффор ҲОТАМ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

МАЪНАВИЯТ

Оила

ФАРЗАНДЛАРГА ЎРНАК БЎЛАЙЛИК

Бир оилани биламан. Эр ҳам, хотин ҳам олий маълумотли. Топиш-тутиши бошқаларникидан кам эмас. Уй-жойи кўпчилик ҳавас қиладиган даражада. Бир эмас, иккита енгил автомашинаси бор. Аммо оилада тинчлик йўқ. Эру хотин кунда бўлмаса-да, кунора жанжаллашиб туради. Уларнинг бу қилиқлари қўни-қўшнилар сингари оилада вояга етаётган икки ўғил ва бир қизнинг ҳам жонига теккан.

Эр ва хотиннинг нима сабабдан бунчалик кўп жанжаллашишини бир куни ишдан қайтаётиб, бироз сезгандек бўлдим. Уларнинг уйи ёнидан ўтаётиб, ўзим билмаган ҳолда оила бошлиқларининг "Онанг у дейди", "Отанг бу дейди" деган сўзларини эшитиб қолдим. Шунда тушундимки, жанжал ўз-ўзидан келиб чиқаётгани йўқ, балки бунга уларнинг ота-оналари "қарашиб" юборишмоқда. Лекин бунда болаларнинг нима айби бор?

Маълумки, оила жамиятнинг бошланғич бўғини сифатида болаларнинг ахлоқи, юриш-туриши, хатти-ҳаракати, эътиқод ва дунёқарашига тарбиявий таъсир кўрсатиши ҳамда турмуш қуришга тайёрлаб бориши лозим. Оиладаги мавжуд анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар ва маросимларнинг ижобий таъсирида йигит-қизлар аста-секин камол топиб борадилар. Аммо буларнинг барчаси оилавий психологик муҳит — оила ҳолати, кайфияти, муносабатлари йиғиндисига боғлиқ. Бу эса биринчи навбатда ота-она зиммасига катта масъулият юклайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 1998 йилнинг "Оила йили", 1999 йилнинг "Аёллар йили" деб эълон қилингани бежиз эмас. Чунки ёш авлод ҳар бир давлатнинг келажаги ҳисобланади. Шу сабаб уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатишга ҳеч бир кишининг, ҳатто ота-онанинг ҳам ҳаққи йўқ.

Шундай экан, биз юқорида мисол қилиб кўрсатган оиладаги каби вазият фарзандларимизнинг камол топишига ўз "кучи"ни кўрсатмасдан қолмайди. Бироқ ҳамма муаммонинг ҳал этиш йўлини топиш мумкин. Жумладан, оилада тинчлик-тотувликни барқарор этиб, фарзандларимизга ўрнак бўладиган жиҳатларимизни намоён этишнинг ҳам.

Зулфия СОЛИЕВА,
Шайхонтоҳур тиббиёт коллежи
ижтимоий фанлар кафедраси мудири



Сиз нима дейсиз?

Инсоннинг ким бўлиб етишиши онгу шуурини шакллантирган муҳит, кўрган кечирганлари ва бошқа кўникмаларга ниҳоятда боғлиқ. Айниқса, эндигина ақлини таниётган гўдакнинг онгини эртаклар, ҳар хил ҳикоялар билан бир қаторда турли ўйинчоқлар ҳам бойитиб боради. Улар боланинг маънан етук бўлишида катта аҳамият касб этади.

«Ўйинчоғимдан қўрқаман»

Уйда жияним бир қўғирчоғини кўрсатиб: «Опажон, мана шу ўйинчоғимдан қўрқаман» деб қолди. Ҳақиқатан ҳам, у шу даражада қўрқинчли эдики, ҳатто кўриб мен ҳам чўчиб кетдим. Жиянимнинг қўғирчоғи ёш болалар севиб ўйнайдиган, алла айтиб ухлатадиган ўйинчоқ эмас, кўзлари бўялган, юзлари алламбало рангда, ғарбга монанд ҳаёсиз кийимдаги «махлуқ» эди. Ўйланиб қолдим. «Наҳотки, ёш болаларнинг овунчоғи, келажаги учун нафи тегадиган ўйинчоқ шу даражада қўрқинчли бўлса?!..»

Ҳақиқатан ҳам ҳозир ўйинчоқларнинг ҳам ҳар хиллари чиқиб кетган. Айниқса, автомат ўйинчоқларнинг. Ахир, улар совуқ қурол намунаси-ку. Хориж нима ишлаб чиқарса олиб келиб сотавериш керакми? Бу овунчоқни ўзимизнинг фарзандларимиз, авлодларимиз ўйнайди-ку, ахир!

Хаёлимни ана шундай фикрлар банд этиб юрган кезларда бозорда онасига «Ўйинчоқ олиб беринг» деб хархаша қилаётган бола эътиборимни тортди. Кузатдим. Анча норозиликдан сўнг онаси ўйинчоқ сотиб олиб берди. Табиийки, унинг қандай ўйинчоқ экани мени қизиқтирди. Қарасам, «Ўргимчак одам» мультфильми қаҳрамони экан. Яқинроқ бориб онасидан «Нима учун айнан шу ўйинчоқни олиб бердингиз?» деб сўрадим. У аёл мустаҳкамроғи, тузукроғи шу эканини, уни фарзанди узоқроқ муддат ўйнашини айтди. Баъзи ўйинчоқлар қўлингга олишинг билан сочилиб кетишини, тез бузилишини айтиб нолиди. Бошқа бир онанинг фикрини сўраганимда, у қўрқинчли ўйинчоқлар ҳақида фақат салбий фикр билдирди. Ўйинчоқларнинг, хусусан, қўғирчоқларнинг бирортаси болаларнинг ёшига мос эмаслигини, кийимлари ярим-яланғоч, кўринишлари ҳам миллийлигимизга мос келмаслигини таъкидлади. Бугун шундай қўғирчоғу ўйинчоқларни ўйнаб улғайган болажонларнинг тарбияси бузилмаслигига ким кафил бўла олади? Тўғри, замон ўзгараяпти, онг ўзгараяпти. Аммо буларнинг ҳаммаси миллий ўзлигимиз замирида тараққий этса қандай яхши?

Шу ўринда ажойиб ўзбек халқ эртаги «Зумрад ва Қиммат» асосида яратилган мультфильмни эслаб кўрайлик. Уни неча марта кўрсак ҳам зерикмаймиз, яна кўргимиз келаверади. Чунки қўғирчоқларнинг кўринишлари жуда самимий ва содда. Демак, миллий қўғирчоқлар болаларимиз учун афзал, менимча. Чунки болажонлар у орқали дунёни англайди, фикр-мулоҳаза юритади.

Мавзу доирасида мутахассисларнинг фикри билан ҳам қизиқиб кўрдик. Уларнинг айтишича, ўйинчоқларни, аввало, боланинг ёшига қараб танлаш керак экан. Эндигина тишлари чиқаётган болалар учун юмшоқ, резинали, 3-4 ёшлилар учун эртак қаҳрамонлари акс этган ўйинчоқлар, масалан, Оппоғой, Зумрад, Тулпор кабилардан олиб бериш лозим. Сабаби, шу ёшда боланинг онги шаклланаётган бўлади. 5-6 ёшда эса санашни, кичик сонларни қўшиш, айириш амалларини ўргатадиган ҳар хил «ўқитувчи ўйинчоқ»лар олиб берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бола дунёси жуда беғубор ва гўзал. Боланинг ана шу гўзаллик дунёсини янада бойитишида у ўйнайдиган ўйинчоқлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Шунинг учун уларга ўйинчоқлар танлашда бепарво бўлмайлик.

Хуршида СИДДИҚОВА,
ЎзМУ талабаси

Бўлажак ҳуқуқшунослар беллашуви

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан "Балли, ҳуқуқшунослар" республика кўрик-танлови ўтказилди. Самарқанд шаҳридаги Ҳ.Олимжон номли драма театрида бўлиб ўтган мазкур танловда республикамиздаги ҳуқуқшунослик соҳасига ихтисослаштирилган ва шу йўналишда таҳсил олувчи олий таълим муассасалари жамоалари ўзаро беллашдилар.

Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад, бўлажак ҳуқуқшуносларнинг назарий билимларини янада мустаҳкамлаш ва соҳага оид кўникмаларини ҳосил қилиш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш, иқтидорли ёшларни танлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда иқтидорларини намойиш этиш учун имконият яратишдан иборат эди.

Вазирлик томонидан шу кунгача ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган бешта йирик лойиҳа амалга киритилди. Ушбу тадбирларга республикамизнинг 1500 дан ортиқ коллеж ва лицей талабалари жалб қилинган.

Танловнинг аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, талабалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, мамлакатимиз Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари ҳамда юртимизда сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар юзасидан ўз билимларини янада юксалтириш имкониятига эга бўлдилар.

Танловда ҚДУнинг "Фемида", СамДУнинг "Либерал", НамДУнинг "Водий гавҳари", ТДЮИнинг "Адолат", ЎзМУнинг "Сарбон", ЖИДУнинг "Атлант" жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Натижалар ёмон бўлмади. Наманган вилоятининг "Водий гавҳари" ҳамда ТДЮИнинг "Адолат" жамоалари олий ўринга, ЎзМУнинг "Сарбон" жамоаси 1-ўринга, ЖИДУнинг "Атлант" жамоаси 2-ўринга, ҚДУнинг "Фемида", СамДУнинг "Либерал" жамоалари эса 3-ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолиб жамоалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда ОАТ "Туронбанк"нинг I, II ва III даражали дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, ғолиб жамоалар ва иштирокчиларга Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий адабиёт тўплами тақдим этилди. Танлов давомида ўнта номинация бўйича аниқланган энг фаол жамоа аъзолари ва ташкилотларига рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам топширилди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Таълим

Ҳавас қилса арзийди

Ёшлар — ҳаётимиз давомчиси, келажагимиз пойдевори. Уларни баркамол шахс сифатида шакллантириш ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган устоз-мураббийлар зиммасига катта масъулият юклайди.

1432 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётган коллежимиз вилоятдаги нуфузли ўқув масканларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда бу даргоҳда ҳуқуқшунослик, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия, савдо агенти, компьютер ва компьютер технологияларини таъмирлаш, созлаш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Коллежда физика, кимё, биология фан лабораториялари, тўртта лингафон, иккита информатика хоналари бор.

Ўтган йили Жанубий Кореянинг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳаси асосида мультимедия синфлари ташкил қилинди. Мавжуд ўттизта фан кабинетида машғулотлар ва тўгараклар доимий фаолият кўрсатаяпти. Иккита спорт зали, спорт майдончалари ва шейпинг хонаси ўқувчи ёшларнинг севимли масканига айланган.

Таъкидлаш жоизки, коллежимиздан нафақат малакали кичик мутахассислар, балки турли спорт турлари бўйича чемпионлар етишиб чиқаётганидан фахрланамиз. Мисол учун, ўтган йили М.Ибрагимов самбо бўйича, М.Асқарова каратэ бўйича, Э.Восиев ўзбек жанг санъати бўйича, М.Ҳамраев, Ҳ.Абдураҳмонов ва О.Азимов қўл жанги бўйича ўтказилган йирик халқаро мусобақаларда иштирок этиб, Осиё ва жаҳон чемпионатларига йўлланмаларни қўлга киритишди. Бунда А.Ҳайитов, А.Йўлдошев, Р.Собиров, М.Орзиев, С.Ўроқова каби фидойи устоз-мураббийларнинг салмоқли ҳиссалари бор, албатта.

Ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Мафтункор ранглар олами", "Зулфияхоним издошлари" каби мусобақа ва танловларнинг вилоят, республика босқичларида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларимиз коллежимиз нуфузи ошишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқдалар.

Гулрух ҲАСАНОВА,
Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежи директори, иқтисод фанлари номзоди ®

Чашма

Сўздан сўзнинг фарқи бор

Эътиборингизга ҳавола этилаётган шарҳлар илмий тадқиқот хулосалари эмас, олам ва одамни мукаммал кўриш истагида яшаётган, кўп ўйлаган, фикр қилган замондошимизнинг сўзга муносабати халос. Битикларда узоқ йиллик ҳаётий тажрибанинг муҳри ҳам сезилади. Кўп йиллар Самарқанд вилояти мактабларида кимё ва биология фанларидан дарс бериб келган замондошимиз айни кунларда шаҳардаги ҳунартехника билим юртида фаолият юритади.

Ўйлаймизки, техника асрининг шиддат билан кечаётган бир палласида сарҳад билмас тафаккур томчиларини мана шундай ихчам шаклда ифодалаш бугуннинг муддаосидир.

Тадбиркор — *ҳаётий тажриба, билим ва идрокини амалда қўллай олган ташаббускор шахс.*

Фермер — *нуфузи ошиб бораётган касб соҳиби.*

Талаба — *билим олиш жараёнидан маънавий, руҳий завқ олишга лаёқатли киши.*

Олим — *ақл, идрокни юқори самара билан ишлатишга қодир шахс.*

Шоир — *сўзлар воситасида мангуликка даъват этишга лаёқатли иқтидор соҳиби.*

Мансаб — *кишидаги иқтидор ва эътиқоднинг амалдаги синови.*

Илм — *ҳаёт мазмунини теран англаш учун берилган неъмат.*

Ёшлик — *ҳар дақиқаси олтиндан-да қиймат умр баҳоси.*

Ўқинч — *ҳаёт сабоқларидан иборат олишга улгурмаган бандaнинг ички нидоси.*

Таскин — *умр мазмунини тўғри англаган кишига руҳий мадад берувчи ички кечинма.*

Зулм — *маънавий савиянинг пастлиги ва иймон сустлиги ҳосиласи.*

Иқтидор — *асрлар оша ирсий сайқал олаётган авлод оиласида туғма лаёқат соҳиби.*

Истеъдод — *эътибор ва тарбия талаб қиладиган ирсий қобилият.*

Шуҳрат — *кишидаги билим, шижоат ва қунт меваси.*

Ибрат — *тарбия жараёнидаги амалий иш.*

Одоб — *идрок, тафаккур меваларини сўз ва ҳаракатлардаги кўриниши*

Кибр — *қалб сўқирлигидан нишона.*

Зурриёт — *олган тарбия, билимга мос ота-она охиратини обод ё хароб қиладиган суянч.*

Пора — *ҳаловат, иймон ва эътиқодни йўқотиш эвазига қўлга киритиладиган қўшимча моддий мулк.*

Фолбин — *нодон банда ва шайтон ўртасидаги воситачи.*

Нафс — *инсонни «шайтон» йўлига бошлаши мумкин бўлган хавфли туйғу.*

Автомобиль — *кишилар узоғини яқинлаштирадиган ва табиий экологик муҳитни бузадиган техник восита.*

Велосипед — *инсон мушакларини чиниқтириш ва вақтини тежашнинг механик воситаси.*

Мобиль телефон — *доно учун вақт тежами, нодон учун вақт ва маблағ исрофи.*

Сабр — *хазина ва омад калити.*

Юсуфжон СОЛИЕВ,
Олий тоифали ўқитувчи

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E-mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

«Баҳор келди сени сўроқлаб»



Ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар доимо халқимиз ардоғида. Ўлкамизда баҳорнинг биринчи куни — Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг таваллуд айёмини нишонлаш анъанага айланган.

Пойтахтимизда севимли шоирани ёд этиб, унинг хотирасига ўрнатилган ҳайкал қошида тадбир ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, шоиранинг шогирдлари, жамоатчилик иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимиз томонидан ижод аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг самараси, Зулфияхонимнинг ижоди, ҳаёт йўли, вафо ва садоқати ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Шунингдек, унинг маҳорат мактабидан баҳраманд бўлаётган ёш ижодкорлар беназир қалб соҳибаси хотирасига бағишлаб ёзган шеърларидан намуналар ўқиди.

Шоиранинг шеърлари билан айтиладиган куй-қўшиқлар янгради.

Зулфияхоним издошлари, адабиёт ўқитувчилари ва ўқувчилар шоиранинг ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Адиба УМИРОВА

БЕКИЁС ТАЪРИФ

Бадиа

Аёл Оллоҳ яратган мукаммал мавжудот. Ожиз бандаси ҳамон уни мадҳ этишдан толмайди. У аввало суюкли Она, севимли ёр ва дилбар фарзанд — жигаргўша бўлгани учун ҳам шундай таърифу-тавсифга лойиқ.

Айтишларича, Парвардигори олам аёлни яратаётганида бир фариштa унинг олдига келиб қўлини теккизади ва Тангрига қараб:

— У шундай юмшоқки, — дейди.

Тангри унга:

— Бундан ташқари у ўйлайди, мулоҳаза юритади ва гаплаша олади, — деб жавоб беради.

Фариштa аёлнинг кўзларидан ёш сизиб чиқаётганини кўриб:

— Сиз уни шунчалар юмшоқ қилиб яратибсизки, у эриб кетяпти...

— Бу унинг кўз ёши, — дебди Тангри.

— Бу нима учун керак? — сўрабди фариштa.

— Аёл кўз ёшлари орқали ўз қувончини, ғам-аламини, ёлғизлигини, раҳм-шафқатини ва олижаноблигини намоён эта олади, — дея жавоб қилибди Парвардигор.

Ҳайрат ва ҳаяжонда қолган фариштa Тангрига тасаннолар айтибди:

— Сиз тенги йўқсиз! Аёлни мукаммал яратибсиз!

Бу бир афсона. Лекин уни эслаганимда фикрларимни бир жойга жамлаб ололмайман. Аёл дод солишни хоҳласа-да, жилмайиб туриши, хурсандлигидан йиғлаши, йиғлагиси келганида эса куйлаши мумкин. Аёл ўз эътиқоди учун кураша олади, оиласининг ҳузур-ҳаловати йўлида кўп нарсалардан воз кечади. У қиёссиз муҳаббат эгаси!..

Аёл оиласи ва дўстларини маънан қўллаб туради. Атрофдагиларга бахт, умид, руҳий мадад ва илҳом бахш эта олади. У бир чимдим меҳр эвазига дил ярасини тузатади. Унинг юраги уриб тургани учун ҳам бу дунё бутундек.

Лобар РАҲИМЖОНОВА

Спорт

ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ НУФУЗИ

Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) 2010 йилги спорт мавсуми якунларига кўра қатор номинациялар бўйича ғолиблар номини эълон қилди.

2010 йилги спорт мавсуми кураш оламида муҳим воқеаларга бой бўлди. Октябрь ойида Франциянинг Бордо шаҳрида ўтказилган ва дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан энг сара полвонлар қатнашган "Ўзбекистон Президенти Гран-приси" II халқаро турнири КХА томонидан 2010 йилнинг "Энг яхши турнири", деб топилди. Ўзбекистонлик атоқли полвон Абдулла Тангриев мазкур мусобақа финалида қўллаган чиройли усули эвазига "Энг яхши техникаси учун" номинациясида ғолиб бўлди.

Ҳиндистонда қиркдан зиёд мамлакат полвонлари иштирокида ўтказилган ёшлар ўртасидаги VI жаҳон биринчилиги "Энг яхши чемпионат", мазкур мусобақани юқори савияда ташкил этган Ҳиндистон кураш федерацияси "Йилнинг энг яхши федерацияси", ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан японияли Юма Саеки ва хотин-қизлар ўртасида икки карра Африка чемпиони Антеа Чейз (Жанубий Африка Республикаси) "Йилнинг энг яхши курашчиси" совринларига лойиқ топилди.



Шунингдек, "Курашнинг энг яхши тарғиботчиси", "Энг яхши конфедерация", "Энг яхши ҳакам", "Кураш фидойиси", "Энг яхши журналист" сингари номинациялар бўйича ҳам ғолиблар эълон қилинди.

2011 йилги спорт мавсуми ҳам кураш бўйича турли мусобақалар ва муҳим воқеаларга бой бўлиши кутилмоқда. Кураш халқаро ассоциациясининг жорий йил учун мўлжалланган тақвимидан Осиё, Европа, Африка, Панамерика ва Океания ҳудудларида жами ўттизга яқин спорт тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚДИ...

Англия термаси ҳамда Лондоннинг «Челси» клуби ҳимоячиси Эшли Коул жамоада амалиёт ўтаётган талабани пневматик милтиқ билан отиб, яралади. Бу ҳақда «Telegraph» газетаси хабар тарқатди.

Бу воқеа клуб машғулотлар базасида рўй берди. Ўйиндан ўт чиқар деганларидек, Эшли ҳазиллашиб чамаси бир ярим метр масофадан йигирма бир ёшли Том Коуанга қурол ўқталди ва тепкини босди. Натижада амалиётчи талаба жароҳат олди. Шу ернинг ўзида Том Коуанга тиббий ёрдам кўрсатилди. Унинг аҳволи яхши.

Полиция мазкур иш юзасидан текширув олиб бориш тараддудида.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг февраль ойи бошида Эшли Коул Англия терма жамоасининг 2010 йилдаги энг яхши ўйинчиси, деб топилганди.

СОЧИ-2014: РАМЗЛАР АНИҚ

Қуёнча, қоплон ва оқ айиқ 2014 йили Сочида ўтказиладиган қишки олимпиаданинг рамзлари сифатида танланди. 26 февраль куни Россиянинг I-канали орқали тўғридан-тўғри эфирда ўтказилган сўров натижаларига кўра, ушбу уч номзод берилган овозларнинг 62 фоизини йиғишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, юқоридаги жониворлар қаторида офтобжон, снегир қушчаси, матрёшка, дельфин ва қўнғир айиқча ҳам бор эди. Бироқ уларга жуда кам овоз берилди. Халқаро олимпиада қўмитаси томонидан фаворит деб эътироф этилган Қорбобо рамзи эса бу борада анча ортда қолди.

Азим РЎЗИЕВ

ЭЪТИБОРИНГИЗНИ ҲАММАГА ҚАРАТИНГ!

«ҲАММАГА САЛОМ!» ТАРИФИ

$0,015 Ўзбекистон бўйича чиқувчи қўнғироқлар, SMS ва MMSлар (дақиқа / хабар)

$0,005 МТС тармоғи ичида 1 дақиқа учун (3-дақиқадан кейин)

«Ҳаммага салом!» тариф режасига ўтиш учун USSD-команда: *111*120#

МТС бир қадам олдинда

Хизматлар лицензияланган

Гўзал туйғулар тараннуми

Таниқли журналист ва адиба Фарида Усмонова номи ҳикоя ва драмалари, очерк ҳамда таржималари билан ўзбек китобхонларига анча таниш. Муаллиф кўп йиллар давомида севги-муҳаббат, Ватан ишқи, она мадҳи, оила тилсими, садоқат ҳамда болалар тарбияси мавзуларида қалам тебратиб келяпти.



Ижодкорнинг "Ҳижрон" деб номланган янги тўпламига киритилган ҳикоя ва қиссалари, драматик асарлари ҳам ана шу инсоний гўзаллик туйғуларини тараннум этади. Бугун тўқсон ёш бўсағасида турган ижодкор босиб ўтган узоқ умр йўлларида кўрган-кечирган, бошидан ўтказган воқеа ва ҳодисаларни бадиий, шу билан бирга реал чизиқларда тасвирлайди.

Мазкур китобда сўз боши муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев шундай ёзади: "Сиз муаллифнинг босиб ўтган йўлларига бир назар ташланг, мустақиллигимиз осонликча қўлга киритилмагани, курашлар, қурбонлар эвазига эришилганлигини ёдда тутинг. Ҳозирги эминэркин ҳаётимизни, дориломон кунларимизни қадрланг". Бу фикрлар адиба ижодини мазмун-моҳиятини ифодалайди.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — 8-375-357-75-10
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33
Навоий — 8-436-748-63-11

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.40

® — тижорат белгиси.

Адади: 9561 Буюртма — Г-326 1 2 3 5